


И. Бекбоев, Н. Ибраева, П. Иманбеков, О. Худайбердиев

# МАТЕМАТИКА



2

УДК 373.167.1

ББК 22.1 я721

М34

Қўлингиздаги ушбу дарслик ҚИРҒИЗ-ЎЗБЕК УНИВЕРСИТЕТИ тасарруфидаги “ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ МАРКАЗИ” томонидан таржима қилинди.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,  
Г. Айтиев кўчаси, 27.

## **Шартли белгилари:**

■ -дарснинг бошланиши

М 34 Математика: Урта мактабнинг 2 синфи учун дарслик /И. Бекбоев, Н. Ибраева, П. Иманбеков, О. Худайбердиев/.-Б; 2010,-”Ректайм”, 176 с.

ISBN 978-9967-438-15-6

М 4306020500-10


ISBN 978-9967-438-15-6

УДК 373.167.1

ББК 22.1 я721

© Коллектив авторов, 2010

# 1– сифда ўтилганларни такрорлаш



1. Сонларни ўқинг: 2, 7, 9, 11, 14, 18, 20. 2 ўнл, 5 ўнл, 8 ўнл, 9 ўнл.

2. Сонларни ёзинг: уч, бир, беш, саккиз, ўн, ўн олти, ўн уч, йигирма.

3. 5 дан катта, 8 дан кичик бўлган сонларни тартиби билан ёзинг. Нечта сон ёзилди?

0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 - бир ўринли сонлар.

10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 - икки ўринли сонлар.

	1	0
	2	1
	3	2
	4	3
0 <	5	4
	6	5
	7	6
	8	7
	9	8

0 - бир ўринли сонларнинг энг кичиги.

9 - бир ўринли сонларнинг энг каттаси.

10 - қандай сон?

0 < 5, 0 < 1, 9 > 2, 9 > 8



4. Геометрик шаклларнинг номини айтинг:



5. Узунлиги 3 см бўлган кесма чизинг.

6. $8 + 1$	$4 + 3$	$5 - 1$	$6 - 5$
$0 + 5$	$6 + 0$	$10 - 2$	$3 - 0$

## У й г а в а з и ф а

7. 10 дан 19 гача бўлган сонларни ёзинг.  
Уларнинг бирликлари билан ўнликларини айтинг.

8. Узунлиги 5 см бўлган кесма чизинг.

9. $5 + 4$	$9 + 3$	$7 - 3$	$5 - 4$
$0 + 7$	$4 + 8$	$10 - 2$	$8 - 0$

Ҳисоблашда жазвалдан фойдаланишингиз мумкин.


$$3 + 1$$

$$3 + 2$$



$0 + 1$	$0 + 2$	Жадвалларни охиригача айтинг.
$1 + 1$	$1 + 2$	
$2 + 1$	$2 + 2$	
$3 + 1$	$3 + 2$	

Сонга 1 ни қўшсак кейинги сон келиб чиқади. Сонга 2 ни қўшиш учун 1 ни икки марта қўшиш керак.



$$1 + 1 = 2$$

10. 2 билан 1 нинг, 6 билан 2 нинг, 4 билан 0 нинг, 8 билан 1 нинг йиғиндисини топинг.

11. Озода 5 пақир, укаси 2 пақир олма тердилар. Озода укаси билан биргаликда неча пақир олма терди?

12. Ушбу кесмани ўлчанг. Неча сантиметр бўлди? Ундан қисқа кесма чизинг. Неча сантиметр кесма чиздингиз?



13.  $>$   $<$   $=$   $8 \square 10$ ,  $12 \square 9$ ,  $\square > 5$ ,  $1 < \square$

14. а) Сонларни ёзинг: ўн, бир, беш, ўн бир, ўн беш, ўн саккиз, саккиз.

б) Сонларни ёзинг: ўнлиги - 1, бирлиги - 7, 2, 6, 0, 1, 5, 9 неча сон ёздингиз?

## У й г а в а з и ф а

15. Бизнинг синфимиздан 9 та ўқувчи дам олиш лагерига борди. 4 та ўқувчи фермада ёрдам беришади. Қандай савол қўйилса, масала қўшиш амали билан ечилади? Савол қўйиб ечинг.

$$5 + 2 = 7$$

7- йиғинди 5 ва 2 -

қўшилувчилар.

Қўшилувчиларнинг ўрни  
алмашса йиғинди ўзгармайди.

16. Қўшилувчилар 6 ва 2, 8 ва 1, 0 ва 4, 10 ва 3.  
Йиғиндиларни топинг.

17. Жазвалдан фойдаланиб қуйидаги қўшиш ва  
айириш амалларини бажаринг:

$$18 + 2 \quad 16 + 4 \quad 10 + 8 \quad 8 + 5 \quad 7 + 7 \quad 5 + 5$$

$$12 - 4 \quad 20 - 7 \quad 10 - 1 \quad 10 - 5 \quad 8 - 3 \quad 9 - 2$$

18. Эрта билан гараждан 5 автобус, тушда эса яна  
3 автобус чиқиб кетди. Гараждан қанча автобус  
чиқиб кетди?

19. Гараждан 8 автобус чиқиб кетгандан кейин,  
5 автобус қолди. Гаражда қанча автобус бор эди?

20. Узунлиги 5 см дан қисқа бўлган кесма чизинг.

21. Энг катта бир ўринли сонни ёзинг. У қайси сондан  
кичик?

## У й г а в а з и ф а

$$22. \quad 5 + 3 \quad 7 + 1 \quad 3 + 2 \quad 6 + 6 \quad 10 + 5$$

$$4 + 5 \quad 9 - 1 \quad 8 - 3 \quad 10 - 2 \quad 20 - 1$$

23. Гаражда 13 автобус бор. Бештаси рейсга чиқиб  
кетди. Савол қўйиб масалани ечинг.

$8 - 2 = 6$

8 - камаювчи

2 - айирилувчи

6 - айирма

24. Камаювчи 5, айирилувчи 2 бўлса, айирма неча бўлади? Амални ёзиб бажаринг.

$25. 6 + 2 \quad 7 - 4 \quad 10 + 2 \quad 5 - 1 \quad 4 + 3 \quad 10 - 1$


Ифодалардаги қўшилувчиларни, айирилувчиларни, камаювчиларни айтинг. Йиғиндини ва айирмаларини топинг.

26. Биз болалар боғчаси учун 10 та қуён ва 5 та жўжа ўйинчоқларини ясадик. Биз қанча ўйинчоқ ясаганмиз?

27. Узунлиги 6 см бўлган кесма чизинг. Уни 2 см га қисқартирсак қанча см кесма ҳосил бўлади?

28.  $> < =$   $4 + 1 \square 4$   $6 \square 5 + 1$   $1\text{дм} = \square \text{см}$   
 $4 - 1 \square 4$   $6 \square 5 + 1$   $20\text{см} = \square \text{дм}$

29. 3 ва 4 сонлари қандай қўшилувчиларнинг йиғиндиси бўла олади?



## У й г а в а з и ф а

30.  $7 + 8$   $10 - 3$   $4 + 2$   $10 + 6$   $8 - 0$


$$9 + 1 \quad 7 + 3 \quad 6 - 2 \quad 18 - 8 \quad 5 - 5$$

Қайси машқни ечганда жазвалдан фойдаландингиз?

31. Биз пластилидан 15 та ўйинчоқ ясадик. Ўйинчоқлардан 5 таси жўжа, қолганлари қуён. Биз қанча қуён ясадик?

$$5 - 1 = 4$$

$$5 - 2 = 3$$



Сондан 1 ни айирсак ундан олдинги сон келиб чиқади. Сондан 2 ни айириш учун 1 ни кетма-кет икки марта айириш керак.

$$1 - 1 = 0$$

$$2 - 2 = 0$$

1 ни ва 2 ни айириш

$$2 - 1 = 1$$

$$3 - 2 = 1$$

жадвалини давом

$$3 - 1 = 2$$

$$4 - 2 =$$

эттиринг. Нима учун

$$4 - 1 =$$

$$5 - 2 =$$

иккинчи жадвал 1, 2

$$5 - 1 =$$

$$\dots\dots\dots$$

билан бошлангани йўқ?

$$6 - 1 =$$

$$\dots\dots\dots$$

32. Камаювчи - 10, айирилувчилар - 1, 2, 3, 4, 5. Айирмаларни топинг. Қандай амалдан фойдаландингиз?

33. Зафар таътилдан 6 та китобни рус тилида, яна шунча китобни ўзбек тилида ўқиди. Зафар таътилда неча китоб ўқиган?

34. Узунлиги 3 см ва 5 см бўлган кесма чизинг.



Иккинчи кесма неча сантиметр узун? Жазвал билан аниқланг.

35. 14 дан 19 гача бўлган сонларни камайиш тартиби билан ёзинг.

## У й г а в а з и ф а

36. 1 ни қўшиш ва 1 ни айтириш, 2 ни қўшиш ва 2 ни айтириш жадвалларини эсда сақлаб қолишга ҳаракат қилинг.

37. Зокир 12 китоб жилдини таъмирлади. Унинг 6 таси ўзбек тилида. Масалага савол қўйиб ечинг.

38. 3 сони қандай қўшилувчиларнинг йиғиндиси бўлиши мумкин?

$$5 + 3 = ? \quad 5 + 3 = 8$$



3 сонини яна қандай қўшса бўлади?

Жадвални охиригача давом этдинг ва дафтарингизга ёзинг.

$8 + 3 = ?$	$9 + 3 = ?$	Амалларни қандай бажардингиз?
$8 + 3 = 11$	$9 + 3 = 12$	
$8 + 2 = 10$	$9 + 1 = 10$	
$10 + 1 = 11$	$10 + 2 = 12$	

**Қўшишни майдалаб бажариш мумкин. Баъзан 10 га тўлиқлаш усулидан ҳам фойдаланилади.**

39. $4 + 2$	$6 - 1$	$10 + 3$	$3 - 1$
$3 + 1$	$10 - 2$	$8 + 3$	$5 - 2$
$5 + 3$	$2 - 0$	$7 + 3$	$2 + 4$


40. Звено 8 яшик мева терди: 3 яшик олмурут, қолганлари олма. Звено неча яшик олма терди?

41. Синфда 10 ўқувчи математика тўғарагига, 8 ўқувчи расм тўғарагига қатнашади. Тўғарақларга ҳаммаси бўлиб қанча ўқувчи қатнашди?

42. Бу нима? Қандай шакллардан тузилган?



43. Кесмаларнинг омерларини айтинг?



### У й г а в а з и ф а

44. $8 + 3$	$6 + 4$	$7 + 0$	$5 - 4$	$10 - 3$	$4 - 4$
$4 + 5$	$10 + 5$	$1 + 9$	$9 - 1$	$15 - 5$	$8 - 0$

45. Таътилда Одина 8 та масала, Ойша 7 та масала ечди. Масалага қандай саволларни қўйса бўлади? Савол қўйиб ечинг.



## С и н и қ ч и з и қ



1



2



3




4

1-кесма, 2-эгри чизиқ, 3-синиқ чизиқ, 4-синиқ чизиқ.

Синиқ чизиқлар 2 ёки ундан ортиқ кесмалардан тузилади. Кесмалар синиқ чизиқнинг бўғинлари деб аталади. Бўғинларнинг узунлиги ҳар қандай бўлади. Синиқ чизиқнинг узунлигини топиш учун ҳар бир бўғиннинг узунлигини ўлчаб, уларнинг йиғиндисини топиш керак.

46. Синиқ чизиқ бўғинларининг узунлигини ўлчанг. Қанча бўғин бор?



47. Иккала бўғини ҳам 2 см дан бўлган синиқ чизиқ чизинг.

48. Синиқ чизиқнинг узунлигини топинг:



49.  $10 + 6$     $1 + 0$     $9 - 2$     $13 - 3$     $9 + 2$     $5 + 3$   
 $10 - 1$     $7 + 2$     $8 - 0$     $2 - 2$     $7 + 3$     $1 + 6$

50. Аэродромдан аввал 1 та самолёт, кейин яна 2 та самолёт учиб кетди. Ҳаммаси бўлиб қанча самолёт учиб кетди? Аэродромда қанча самолёт қолди деган саволга жавоб бера оласизми?

## У й г а в а з и ф а

51. Бўғинлари 4 см ва 3 см бўлган синиқ чизиқ чизинг. Синиқ чизиқнинг узунлиги нимага тенг?

52.  $6 + 3$     $8 + 3$     $8 - 0$     $9 - 3$     $10 + 5$     $12 - 3$   
 $5 + 4$     $1 + 9$     $7 - 7$     $8 - 2$     $10 + 10$     $10 - 3$

Қўшилувчиларни, камаювчиларни, айрилувчиларни атаб чиқинг.


53. Йиғиндиси 4 бўлган ҳар хил машқлар ёзинг. Нечта машқ ёздингиз?

Расмдаги синиқ чизиқлар нимаси билан фарқ қилади? Иккинчиси ёпиқ синиқ чизиқ.



54. Дафтарга уч бўғинли ёпиқ ва уч бўғинли очиқ синиқ чизиқ чизинг. Ёпиқ синиқ чизиқ қандай шаклга ўхшайди?

55. Азамат таътилда 5 та, Қодир унга қараганда 3 та ортиқ китоб ўқиди. Қодир неча китоб ўқиди?



$$5 + 3 = 8$$

Жавоб: 8 та китоб.

Азамат қанча китоб ўқиса Қодир ҳам ўшанча, ундан ташқари 3 та китоб ортиқча ўқиди. Яъни, Қодир 5та ва 3та китоб ўқиди. Уни қўшиш амали билан топамиз.

56. Қосим 8 пақир сув ташиди, Озод унга қараганда 3 пақир кам ташиди. Озод неча пақир сув ташиди?

$$57. \begin{array}{cccccc} 8 + 2 & 10 + 9 & 8 - 2 & 9 - 1 & 20 - 0 \\ 6 + 3 & 3 + 0 & 10 - 1 & 7 - 2 & 13 - 10 \end{array}$$


58. 12 см кесма чизинг. Унда қанча дециметр бор? Сантиметрчи?

59.  $\square > \square < \square =$   $3 + 0 \square 3$ ,  $5 - 1 \square 5$ ,  $8 - 1 \square 8$   
 $1 \text{ дм} \square 8 \text{ см}$ ,  $15 \text{ см} \square 1 \text{ дм } 3 \text{ см}$

60. Уч бўғиндан иборат синиқ чизиқ чизинг.

61.  $7 + 3$  Йиғиндиси 10 бўлган машқлар тузиб  
 $5 + 5$  ечинг.

62. Боғда ишлаш учун 10та ўқувчи 2 гуруҳга бўлинишди. Биринчи гуруҳда 7 та ўқувчи, иккинчи гуруҳда қанча ўқувчи бўлган?



3 ни яна қандай қилиб айириш мумкин?

$$3 - 3 = 0$$

$$4 - 3 =$$

$$5 - 3 =$$

$$6 - 3 =$$

$$7 - 3 =$$

$$8 - 3 =$$

$$9 - 3 =$$

|| *Айирилувчини майдалаб айириш мумкин.*

63.  $8 + 3$   $10 - 3$   $10 + 2$   $2 + 8$   $0 + 7$   $15 - 5$   
 $5 + 3$   $10 - 2$   $9 + 2$   $1 + 10$   $8 - 8$   $18 - 10$

Йиғинди ва айирмани топишда қандай усуллардан фойдаландингиз?

64. Озода 5 та мисол, Азиза унга қараганда 2 та мисол ориқ ечди. Азиза нечта мисол ечган?

65. Икки бўғинли синиқ чизиқнинг узунлиги 8 см. Бир бўғини 3 см, иккинчи бўғинининг узунлиги қанча? Шундай синиқ чизиқ чизинг.

66. Камаювчи 10 айрилувчилар 2, 1, 3. Айирмаларни топинг. Нечта мисол ёздингиз?

67.  $\boxed{>}$   $\boxed{<}$   $\boxed{=}$      $5 \square 5 + 1$      $\square > 6$      $12 \square 12 + 1$   
 $5 \square 10 - 3$      $8 < \square$      $0 \square 9$

### У й г а в а з и ф а

68. Бир хил қўшилувчиларнинг йиғиндисини топинг. Нечта мисол ёздингиз? Қўшилувчилар бир хонали сон бўлсин. Қайси пайтда икки хонали сон келиб чиқади?

69. 5 ва 4 сонларидан фойдаланиб қўшиш амали билан ечиладиган масала тузинг.



$$5 + 4 = ?$$

$$5 + 4 = 9$$

$$1 + 3 = 4$$

$$3 + 1 = 4$$

4 сонини яна қандай ҳосил қилса бўлади?

$$1 + 3 = 4$$

$$2 + 2 = 4$$

$$1 + 4 = 5$$

$$2 + 4 = 6$$

.....

Дафтарингизга 4 ни қўшиш жадвалини давом этдингиз.

7 + 4, 8 + 4, 9 + 4 мисолларини қандай ечдингиз?

$7 + 4 = 11$        $8 + 4 = \square$        $9 + 4 = \square$


$7 + 3 = 10$        $8 + \square = 10$        $9 + \square = \square$

$10 + 1 = 11$        $10 + 2 = \square$        $10 + \square = \square$

70. Дафтар 2 сўм, блокнот 9 сўм, қалам 1 сўм туради. Мени 10 сўмим бор. Нималарни сотиб олишим мумкин? Ҳаммасини сотиб олиш учун неча сўм етмайди?

71. 12 см узунликда кесма чизинг. Унда неча сантиметр ва неча дециметр бор?

72. Сикиқ чизиқнинг узунлигини топинг.



73.  $3 - 3$      $10 - 1$      $7 - 3$      $6 - 2$      $7 - 1$      $4 - 3$   
 $10 - 9$      $8 - 2$      $5 - 5$      $8 - 0$

### У й г а в а з и ф а

74. Сонларни қандай йўллар билан айириш мумкин?

$10 - 2$      $8 - 3$      $6 - 2$      $7 - 3$

$9 + 4$      $7 + 4$      $5 + 5$      $4 + 0$

$15 - 5$      $12 - 2$      $18 - 8$      $11 - 2$

75. Бир туп олмадан 9 яшик, иккинчи тупдан 4 яшик олма теришди. Ҳаммаси бўлиб неча яшик олма теришди?

$11 - 2$

$12 - 3$

$11 - 3$



Айришамалини, айирилувчини майдалаб бажариш мумкин. Жазвар билан тушунтиринг



Биринчи бўлакнинг камаювчисини 10 га яқинлаштириб оламиз.

76. $13 - 4 = \square$	$15 - 6 = \square$	$15 - 7 = \square$
$13 - \square = 10$	$10 - \square = 10$	$15 - 5 = \square$
$\square - 1 = 9$	$10 - \square = 9$	$10 - 3 = \square$

77. Биринчи звено 10 та, иккичи звено ундан 2 та мисол оз ечди. Иккаласи бўлиб нечта мисол ечди?

78. 17, 19, 20, 5, 8, 2, 9, 12, 14. сонларни энг кичигидан бошлаб тартиб билан ёзинг.

79. Узунлиги шу синиқ чизиқнинг узунлигига тенг бўлган кесма чизинг.



80. Икки ўқувчи бир хил масофага югуришди. Биринчиси 10 секундда, иккинчиси 8 секундда етиб келди. Қайси ўқувчи биринчи бўлиб етиб келди, неча секунд эрта келди?



81. Йиғиндиси 5 бўлган мисоллар тузинг.

## Уйга вазифа

82. Сеник чизиқнинг узунлигини топинг.



83. Қўшиш ва айиришдан келиб чиққан сонларни атанг.

$$\begin{array}{cccccc} 5 + 1 & 10 + 6 & 17 - 7 & 6 - 1 & 8 - 8 \\ 9 + 0 & 0 + 4 & 10 - 1 & 6 - 0 & 1 + 7 \end{array}$$

84. Омина уйдан мактабга 10 минутда етиб келди. Зафар эса 4 минутда етди. Қайси бири мактабга яқин? Зафар Оминага қараганда неча минут олдин етди?



$$9 - 2 = 7$$

$$7 - 7 = 0$$

$$9 - 4 = 5$$

$$4 - 4 = 0$$

$$5 - 4 = 1$$

$$6 - 4 = 2$$

$$7 - 4 = 3$$

$$8 - 4 = 4$$

$$9 - 4 = 5$$



4 ни яна қандай айириш мумкин? Жадвални тўлдириб, дафтарингизга ёзинг.

$$\begin{array}{cccccc} 85. & 10 + 4 & 7 + 4 & 10 + 2 & 8 - 8 & 7 - 2 & 11 - 3 \\ & 8 + 3 & 5 + 2 & 4 + 0 & 8 - 3 & 6 - 3 & 13 - 4 \end{array}$$

Ечиш усулларини тушунтириб амалларни бажаринг, икки хонали йиғиндиларни остига чизинг.

86. Мурод 3 см кесма чизди. Сиз ундан 2 см узун кесма чизинг. Кесманинг узунлиги неча см бўлди? Кесмаларнинг узунлигини топишда қайси амалдан фойдаландингиз?

87. Бизнинг звенода 18 та ўқувчи бор. Улардан 4 таси 1-синф ўқувчиларини оталиққа олган, қолганлари синфдаги гулларга қарашади. Нечта ўқувчи гулларга қарашади?

88.



Бўш катакларга қандай сонларни қўйиш керак? Нимани тушундингиз?

## У й г а в а з и ф а

89. Звенодаги 8 та ўқувчи хор тўғарагига, 4 та ўқувчи тасвирий санъат тўғарагига қатнашишади. Звенода қанча ўқувчи тўғаракларга қатнашади? Яна қандай савол қўйиш мумкин?

90. Узунлиги 6 см бўлган ва икки бўғиндан иборат синиқ чизиқ чизинг.

91. 6 га, 5 га, 7 га, 8 га, 9 га қандай сонни қўшсак

йиғинди 10 бўлади? Жазвалдан фойдаланиб ҳисобланг.

## 5 ни қўшиш

92. «Сонларни ҳар қандай тартибда қўшса бўлади» деган қоидадан фойдаланиб йиғиндиларни топинг.

■  $1 + 5$        $2 + 5$        $3 + 5$        $4 + 5$

$8 + 5 = ?$



5 ни майдалаб қўшамиз: 8 ни 10 гача тўлиглаб, унга 5 нинг қолган бўлагини қўшдик.

$8 + 2 = 10$        $10 + 3 = 13$

93. Қўшиш усулини тушунтириб ечинг:


$6 + 5$        $7 + 5$        $9 + 5$

94. Гараждан 5 та машина чиқиб кетди. Гаражда ҳаммаси бўлиб 15 та машина бўлса, қанча машина қолди?

95. Кесмаларнинг энг узунини ўлчанг. Уни 2 см га қисқартирсак неча см бўлади?



96. Қандай шаклларни кўриб турибсиз?



## Уйга вазифа

97.  $3 + 1$     $8 - 0$     $4 + 3$     $7 - 3$     $9 + 4$     $10 - 1$   
 $0 + 5$     $2 - 2$     $8 + 4$     $15 - 5$     $8 + 5$     $6 - 3$

98. 3 сўм пулим бор эди. Блокнот олиш учун 1 сўм етмади. Блокнот неча сўм туради?

■ 5ни кўшиш жадвалини эсда-  
тутинг.

$$\begin{aligned} 1 + 5 &= 6 \\ 2 + 5 &= 7 \\ 3 + 5 &= 8 \\ 4 + 5 &= 9 \\ 5 + 5 &= 10 \\ 6 + 5 &= 11 \\ 7 + 5 &= 12 \\ 8 + 5 &= 13 \\ 9 + 5 &= 14 \end{aligned}$$



99. Йиғиндини аниқланг. Нимани тушундингиз?

$1 + 1$     $2 + 2$     $3 + 3$     $4 + 4$     $5 + 5$

100. 7 ўқувчи синфни тозалашди: 3 таси полни, қолганлари парталарни ювишди. Қанча ўқувчи парталарни ювган?

101. Юқоридаги масалани қўшиш амали билан бажарилгудай қилиб ўзгартириб ечинг.

102. Узунлиги 1 дм 2 см бўлган кесма чизинг. Кесма неча см бўлди?

103. Тулки қундузга яқин яшайдими ёки бўригами? Оралиқларни циркуль билан ўлчанг.



104.  $5 + 1$      $6 + 2$      $4 + 3$      $6 + 4$      $10 - 1$      $15 - 10$   
 $8 + 1$      $7 + 2$      $5 + 3$      $2 + 4$      $13 - 3$      $20 - 10$

### У й г а    в а з и ф а

105.  $1 + 9 = 10$     Йиғинди 10 бўлсин амални  
 $2 + 8 = \dots$     давом этдилинг. Нечта мисол  
 $3 + \dots = \dots$     ёздингиз?

106. Мактаб боғидан 8 яшик олма, 5 яшик олмуруд тердик. Ҳаммаси бўлиб неча яшик мева терилган?

107. Мисолларни ечишда бир хил усулдан фойдаланамиз. Бу қандай усул?

$9 + 2$      $8 + 3$      $7 + 4$      $6 + 5$

108.  $4 + 1$      $10 - 0$      $2 + 3$      $6 - 3$      $8 + 4$   
 $0 + 6$      $7 - 7$      $8 + 5$      $15 - 5$      $10 + 2$

109. Биринчи бригадада 6 та, иккинчисида эса 2 та ортиқ ишчи ишлайди. Иккинчи бригадада нечта ишчи бор? Иккала бригадада нечта ишчи ишлайди?

110. Айириш амали билан ечиладиган масала тузинг.

111. Ҳар бир шаклнинг томонини ўлчаб ёзиб чиқинг, 4 инчи фигурани нима учун ўлчаганингиз йўқ?



112. Ўрта устундаги сонларни бир қаторга ёзинг. Улар қайсилар? Юқориги қатордаги ҳар бир сонни бирга орттириб ёзинг.

17	18	8
5	1	14
7	10	2



113.  $>$   $<$   $=$      $5 \square 5 - 0$ ,  $5 \square 5 + 1$ ,  $5 - 1 \square 5 + 1$

## У й га в а з и ф а

114. 1 ни, 2 ни, 3 ни, 5 ни қўшиш жадвалини такрорланг.

115. Қуйидаги мисолларни икки минутнинг ичида ечишга ҳаракат қилинг.

$$\begin{array}{ccccc}
 2 + 5 & 0 + 7 & 6 - 4 & 10 - 10 & 8 + 5 \\
 6 + 3 & 5 + 4 & 3 - 3 & 9 - 1 & 6 - 4 \\
 4 + 1 & 2 + 2 & 10 - 2 & 5 - 2 & 9 - 0
 \end{array}$$

Неча минутда ечдингиз?

116. Саида 5 та байроқча, синглиси 2 та кам байроқча ясади. Масалага қандай саволлар қўйиш мумкин? Савол қўйиб ёзинг.

## 5 ни айириш

$$8 - 5 = ?$$



Жазвал билан тушунтиринг.

$$8 - 3 = 5$$

$$8 - 2 = 6$$

Яна қандай айириш мумкин?

$$8 - 3 = 5$$

$$5 - 2 = 3$$

Бу ҳисоблашни жазвалда кўрсатинг.

5 ни айиришдаги натижага эътибор беринг.



$$117. \quad 9 - 5 \quad 10 - 5 \quad 7 - 5 \quad 6 - 5 \quad 5 - 5$$



118. Раъно 5 та чинни ювди. У яна 5 та чинни ювиши керак. Раъно ҳаммаси бўлиб нечта чинни ювади?

119. Тувакда 16 туп гул бор. 10 тупи қизил рангли. Қолганлари оқ рангда. Тувакда ҳаммаси бўлиб неча туп оқ гул бор?

$$\begin{array}{ccccc} 120. & 7 + 1 & 2 + 9 & 4 - 4 & 3 - 2 & 8 + 5 \\ & 5 + 5 & 6 - 1 & 0 + 10 & 12 - 2 & 9 + 4 \end{array}$$

### У й г а в а з и ф а

121. Ҳар бўғини 2 см дан бўлган синиқ чизиқ чизинг.

122. 10 та мисолни ўзингиз ўйлаб ёзинг. Уни тез ечишга ҳаракат қилинг. Неча минутда ечдингиз?


123. Ҳар бир айирманинг топиш йўлини тушунтиринг.

$$\begin{array}{ccccc} 10 - 5 & 11 - 5 & 12 - 5 & 13 - 5 & 14 - 5 \\ 8 + 1 & 3 + 4 & 8 - 3 & 10 - 2 & 12 - 10 \\ 6 - 4 & 7 - 2 & 5 - 4 & 13 - 3 & 20 - 1 \end{array}$$

124. Шаклларнинг томонларини ўлчанг. Учинчи шакл иккинчидан нимаси билан фарқланади? Ёки ўхшашми?



125. Иккала халқага ҳам тегишли бўлган сонларни ёзинг. Чап томондаги халқада неча сон бор? Ўнг томондагида-чи? Қайси халқада сонлар кўпроқ?



### Уйга вазифа

126.  $8 + 5$      $6 + 5$      $8 - 4$      $6 - 5$      $9 + 1$   
 $7 - 4$      $9 - 3$      $7 - 3$

127. Онам 5 жуфт пайпоқ олиб келди. 2 жуфтини укамга, қолганини менга берди. Менга неча жуфт пайпоқ берди?

### Кўпбурчак


■ Бу икки шаклнинг фарқи борми?

1 - ёпиқ синиқ чизиқ.

2 - учбурчак. Уни учта бурчаги ва учта томони бор.



Булар нималар, қандай шакллардан тузилган?



Яна қандай шаклларни биласиз?



Учбурчак, тўртбурчак, бешбурчак, олти-  
бурчаклар умуман кўпбурчаклардир.

128.  $8 - 2$      $7 + 2$      $13 - 3$      $6 - 5$      $2 + 2$   
 $10 - 5$      $7 + 4$      $10 + 8$      $5 - 5$      $5 + 5$

129. 5 ва 3 нинг йиғиндисини топинг. Йиғиндидан 2 ни айиринг. Айирма нимага тенг? Нечта мисол ёзилди?

## У й г а    в а з и ф а

130. Қизлар синф кутубхонасига 6 та китоб, болалар 5 та китоб олиб келиб кўшди. Кутубхонага ҳаммаси бўлиб қанча китоб олиб келишди?

131. 5 ни қўшишга доир 5 та мисол ўйлаб топинг ва ■ ечинг.

132. Расмдаги кўпбурчакнинг нечта бурчаги ва томони бор? Томонларини ўлчаб ёзинг.



133. Тўрт бўғиндан иборат ёпиқ синиқ чизиқ ва тўртбурчак чизинг. Улар нималари билан фарқланади?

$$134. \begin{array}{cccccc} 2 + 7 & 9 + 1 & 10 + 5 & 5 + 5 & 1 + 8 & 8 + 5 \\ 8 - 3 & 4 - 4 & 9 - 0 & 2 - 2 & 7 + 5 & 4 - 6 \end{array}$$

135. 6 дан 2 ни айиринг. Айирмага 5 ни қўшинг. Йиғинди нимага тенг бўлди? Қанча мисол ёзилди?

136. Навбатчи ўқувчи 8 туп гулга сув қуйиши керак. У 5 тупга сув қўйди. Масалага савол қўйиб ечинг.

137. 10 та ўқувчи шахмат бўйича мусобақага қатнашди. 4 та ўқувчи енгилди. Қолган ўқувчилар голиб чиқди. Нечта ўқувчи мусобақада голиб чиқди?

138. 10 дан катта, 15 дан кичик бўлган сонларни ёзинг. Нечта сон ёздингиз?

## У й г а      в а з и ф а

139. Юлдузнинг 10 та открыткаси, Малохатнинг 5та открыткаси бор. Иккаласида бирикиб нечта открытка

бор? Яна қандай савол қўйса бўлади?

140.  $5 - 4$     $7 - 6$     $9 - 8$     $3 - 2$     $2 - 1$   
 $6 - 5$     $8 - 7$     $10 - 9$     $4 - 3$     $1 - 0$

Амал натижасини кузатинг.

## 6 ни қўшиш

141.  $1 + 6$     $3 + 6$     $5 + 6$  Қайси қоидадан фойдаланиб ечдингиз?

$2 + 6$     $4 + 6$     $6 + 6$   $6 + 6$  ни қандай ечдингиз? Жазвал ёрдамида ечиб кўрсатинг. 6 ни 10 га тўлдирдик. Бунинг учун 6 га 4 ни қўшдик. 10 га яна қанча қўшилди? Йиғинди 12 бўлди.




$$6 + 4 = 10$$
$$10 + 2 = 12$$

142. Китобча 10 бетдан иборат. Мен 5 бетни ўқидим. Ўқиш учун яна неча бет қолди?



143. Шаклларнинг номини айтинг ва бурчакларини кўрсатинг.

144. Синиқ чизиқнинг узунлигини ўлчанг.



$$145. \begin{array}{cccccc} 8 + 5 & 10 + 2 & 6 - 5 & 9 - 5 & 4 - 4 & 17 - 7 \\ 9 + 4 & 7 + 2 & 7 - 2 & 10 - 5 & 3 - 2 & 14 - 10 \end{array}$$

## У й г а      в а з и ф а

$$146. \begin{array}{cccccc} 7 + 5 & 8 + 4 & 9 + 5 & 7 + 4 & 8 + 5 & 9 + 4 \end{array}$$

Йиғиндини қандай топдингиз? Тушунтиринг.

147. Пахта даласига 10 та пахта териш машинаси чиқди. 5 та машинани қизлар ҳайдади. Қолганини йигитлар ҳайдади. Нечта машинани йигитлар ҳайдашди?

148. Жазвал ёрдамида қўшишни тушунтиринг ва ■ ёзинг.

$$7 + 6 \quad 8 + 6 \quad 9 + 6$$

149. 2 ва 5 нинг, 4 ва 6 нинг, 8 ва 5 нинг йиғиндисини топинг. Ҳар бир йиғиндидан 3 ни айиринг. Ҳаммаси бўлиб қанча мисол ёздингиз?

150. Айиришни бажаринг:

$$\begin{array}{cccccc} 10 - 5 & 8 - 0 & 6 - 3 & 7 - 5 & 4 - 3 & 10 - 2 \\ 3 - 3 & 5 - 4 & 5 - 2 & 9 - 4 & 12 - 2 & 13 - 4 \end{array}$$

151. 8 ва 2 сонларидан фойдаланиб қўшиш билан ечиладиган масала тузинг.

152. Шакл чизиқларининг номини айтинг. Неча турли чизиқ кўриб турибсиз?



153. Бобур 5 та, Самарбону 8 та китобни муқовалади. Самарбону неча китоб ортиқ муқовалади? Масалани доирачалар чизиб, жуфтлар тузиш ёрдамида ечинг.

154. Қўрада 10 та қўй бор. Уларнинг 4 таси она қўйлар, қолганлари қўзилар. Қўрада қанча қўзи бор? Бу масалани қўшиш амали билан ечиладиган қилиб ўзгартиринг.

## У й г а в а з и ф а

155. 8 ва 5 нинг йиғиндисини, 7 ва 2 нинг йиғиндисини, 10 ва 5 нинг айирмасини ёзиб ечинг.

156. Иккита синф мусобақалашиб помидор теришди. Бири 10 пушта терди. Иккинчиси ундан 2 пуштага ортиқ терди. Иккинчиси неча пушта помидор терган?


157. 1 дм 2 см узунликдаги кесма чизинг. Кесма 1 дм бўлиши учун уни неча сантиметрга қисқартириш керак?

6 ни қўшиш жадвалини эсда тутинг.



158.  $9 + 2$     $8 - 4$     $10 - 3$     $6 + 6$     $19 - 9$     $10 + 5$   
 $7 + 5$     $3 - 3$     $4 - 2$     $9 + 5$     $1 - 0$     $9 - 5$

159. Ҳар бир халқага кирган сонларни алоҳида ажратиб ёзинг. Иккала халқага тенг кирган сонларни алоҳида сафга ёзинг.



160. Яшиқда 8 қути памил, 6 қути кўк чой бор. Масалага савол қўйиб ечинг.



161. Синглимнинг 19 та китоби бор. Ундан 9 таси дарсликлар, қолганлари адабий китоблар. Синглимнинг неча адабий китоби бор?

162. 8 ва 6 нинг йиғиндисини топинг. Ундан 4 ни айиринг. Айирма нимага тенг?

163. 1 дм кесма чизинг. Уни 2 см га узайтиринг. Неча сантиметр бўлди?

164.  $\boxed{>}<\boxed{<}<\boxed{=}$   $0 \square 20$ ,  $18 \square 19$ ,  $10 > \square$ ,  $10 < \square$   
 $10 \text{ см} \square 1 \text{ дм}$ ,  $1 \text{ дм} 2 \text{ см} \square 9 \text{ см}$

165. 6 ни қўшиш жадвалини ўрганинг. Энг катта йиғинди нимага тенг?

## У й г а в а з и ф а

166. Машқларни неча минутда еча олишингизни кузатинг:

$$2 + 7 \quad 6 + 6 \quad 9 + 5 \quad 6 + 4 \quad 0 + 4$$

$$6 + 5 \quad 8 + 0 \quad 10 + 7 \quad 7 + 5 \quad 3 + 7$$

$$8 - 4 \quad 10 - 5 \quad 7 - 5 \quad 8 - 6 \quad 5 - 4$$

167. Қўрамизда ... ҳайвон бор. Унинг ичидан . . . си қўй. Қўрамизда бошқа яна неча бор? Кўп нуқталар ўрнига сон қўйиб ечинг.

## 6 ни айириш

■  
 $9 - 6 = ?$



$$9 - 3 = 6$$

$$9 - 2 = 7$$

$$6 - 3 = 3$$

$$7 - 4 = 3$$

6 ни айиришни жазвар билан тушунтиринг. Яна қандай айириш мумкин?

*6 ни икки қисмга ажратиш билан айириш мумкин.*

168.  $8 + 5$        $7 + 6$        $6 + 6$        $1 + 9$        $10 + 8$   
 $3 + 4$        $2 + 5$        $5 + 5$        $2 + 8$        $9 + 4$

169. Сарвар 7 та қизил шар ва ундан 3 та ортиқ кўк шар сотиб олди. У ҳаммаси бўлиб нечта шар сотиб олган?

170. Дафтارينгизга турлича жойлашган учта нуқта белгилаб, уларни туташтирсангиз учбурчак ҳосил бўлади. Томонларини ўлчанг. Агар ичи бўялмаган бўлса уни қандай шакл деймиз?

## У й г а      в а з и ф а

171. Ҳовлимизда 8 туп гилос ва ундан 3 туп оз ўрик кўчати бор. Ўрик кўчати нечта? Масалага яна қандай саволлар қўйиш мумкин?

$$172. \begin{array}{cccccc} 7 - 6 & 6 - 5 & 9 + 6 & 6 + 5 & 10 - 2 & 10 + 6 \\ 8 - 5 & 6 - 6 & 8 + 5 & 6 + 6 & 15 - 5 & 0 + 4 \end{array}$$

6 ни айириш жадвалини эсда тутинг.



173. Спортсменлар 2 қаторга тизилди. Биринчи қаторда 8 та, иккинчи қаторда эса ундан 2 та ортиқ. Иккинчи қаторда нечта спортсмен бор? Ҳаммаси бўлиб спортсменлар нечта? Нечта амал қўлладингиз?

$$174. \begin{array}{cccccc} 8 + 6 & 7 + 3 & 10 - 5 & 10 + 3 & 15 - 10 & 9 + 1 \\ 9 + 5 & 9 + 2 & 10 - 2 & 14 - 4 & 20 - 1 & 8 + 2 \end{array}$$

175. Узунлиги 5 см бўлган икки бўғиндан иборат синиқ чизиқ чизинг. Ҳар бир бўғиннинг узунлиги неча см бўлиши мумкин? Узунлиги 5 см бўлган яна бошқа синиқ чизиқ чизиш мумкинми?

176. 7 ва 5 сонларининг айирмасини топинг. Унга 3 ни қўшинг. Йиғинди нимага тенг? Нечта амалдан фойдаландингиз?

177. Биринчи звенода 12 та ўқувчи, иккинчисид

эса 8 та ўқувчи бор. Биринчи звенодаги ўқувчилар нечта ортиқ? Иккинчисида нечта кам?

## У й г а в а з и ф а

178. 6 ни қўшиш ва айириш жадвалини ёдда сақлашга ҳаракат қилинг.

179. 10 ва 5 сонларидан фойдаланиб айириш амали билан ечиладиган масала тузинг.

## Икки амал билан ечиладиган масалалар

180.

*Меҳнат дарсида 7 та қизил пақирча, ундан 2 та кам сариқ пақирча ясалди. Ҳаммаси бўлиб нечта пақирча ясалди? Саволга жавоб бера оласизми?*

Масалага яна бир савол етишмайди. Саволни ўзимиз қўйиб масалани ечамиз. Нечта сариқ пақирча ясалган?

$$7 - 2 = 5$$

Энди масалани саволига жавоб бера оламиз:

$$7 + 5 = 12$$

Шу каби масалалар 2 амал билан ечиладиган масалалардир.

181. Наргиза 5 та ликопча ва ундан 3 та ортиқ чинни ювди. Наргиза нечта чинни ювган? Масалани 2 амал билан ечиш учун қандай савол қўйиш керак?

182. 6 билан 8 нинг йиғиндисини топинг. Ундан 4 ни айиринг, 9 билан 1 нинг айирмасини аниқланг, унга 3 ни қўшинг.


183. Уч бўғиндан иборат 2 та синиқ чизиқ чизинг. Бири ёпиқ бўлсин.

184.  $\boxed{>}<\boxed{=}$   $6 > \square$ ,  $9 > \square$ ,  $\square < 9$ ,  $11 \square 10$

## Уйга вазифа

185. Ҳар бир бўғини 2 см бўлган 4 бўғинли синиқ чизиқнинг узунлигини топинг.

186.  $2 + 6$     $8 + 5$     $9 - 8$     $8 - 7$     $9 + 6$     $12 - 4$


  $4 + 9$     $7 + 6$     $6 - 5$     $4 - 3$     $10 + 4$     $15 - 5$

187. Ўқитувчилар кунига атаб бир неча концерт номери тайёрланди: 4 та номер рақс, шеър ўқиш эса унга қараганда 3 та ортиқ. Ҳаммаси бўлиб нечта номер тайёрланган?

188.  $6 - 6$     $8 - 5$     $4 - 2$     $1 + 9$     $10 + 8$     $6 + 6$

$10 - 6$     $7 - 6$     $5 - 3$     $2 + 7$     $5 + 6$     $0 + 4$

189. Шаклларни номланг. Буларни бир ном билан аташ мумкинми?



190. Учта нуқта белгилаб, уларни туташтиринг. Қандай шакл ҳосил бўлади?

191. Капалак кўпми, гул кўпми? Доирачалардан фойдаланиб жавоб беринг:



192. Бизнинг синфдан 10 та ўқувчи олма, ундан 2 та кам ўқувчи картошка теришди. Нечта ўқувчи картошка терган? Масалани икки амал билан ечиладиган қилиб ўзгартиринг.

## У й г а      в а з и ф а

193. Уч бўғиндан иборат ёпиқ синиқ чизиқ ва учбурчак чизинг. Булар нималари билан фарқ қилади?


194. Автобусда 10 та йўловчи бор эди. Биринчи бекатда 2 та йўловчи тушиб қолди, иккинчисида яна 3 та йўловчи тушиб қолди. Автобусда нечта йўловчи қолди?

Кўпбурчакларнинг чегараси (периметр)



*Чап томондаги шакллар - ёпиқ синиқ чизиқлар. Ўнг томондаги шакллар - учбурчак ва тўртбурчак. Кўпбурчакларни ўраб турган синиқ чизиқлар уларнинг чегараси деб аталади. Демак, кўпбурчакнинг чегараси кесмалардан иборат. Бу кесмалар кўпбурчакнинг томонлари деб аталади.*

195. Кўпбурчакларнинг чегарасини кўрсатинг.



*Кўпбурчакнинг иккита томони кесишган нуқта унинг учи дейлади. Кўпбурчакда нечта бурчак бўлса шунча томони ва учи бўлади.*

196. Кўпбурчакнинг нечта учи, бурчаги ва томони бор?



197.  $8 - 5$     $9 - 4$     $3 + 5$     $10 + 6$     $12 - 10$     $9 - 5$   
 $7 - 6$     $8 - 3$     $7 + 6$     $9 + 5$     $0 + 5$     $10 - 2$

198. Автобусда 8 та бўш ўрин бор эди. 2 та бўш ўринга йўловчилар ўтиришди. Нечта бўш ўрин қолди?

199. 10, 5, 7, 8 сонларининг ҳар биридан 2 ни айиринг. Камаювчи ва айрилувчиларни номланг.



## У й га в а з и ф а

200. Саккиз бурчакнинг нечта учи ва нечта томони бор?

201. Тўртбурчак чизинг. Қизил қалам билан ■ чегараланг. Томонларини ўлчаб дафтарга ёзинг.

202. Идишга 15 та олма солинган эди. Эрталаб 7 та олма, тушда эса 3 та олма ейилди. Идишда нечта олма қолди?

203. Кўпбурчакларнинг бурчакларини, томонларини, учларини кўрсатинг.



*Биринчи кўпбурчакнинг чегараси нечта кесмадан иборат? Иккинчисиникичи? Кўпбурчак томонларининг узунлигини билиш учун, ҳамма томонлари узунликларининг йиғиндисини топиш керак. У периметр деб аталади. Периметр - бу кўпбурчак чегарасининг узунлиги.*

204. Учбурчакнинг томонлари 2 см, 3 см, 4 см бўлса, унинг чегарасининг узунлигини (периметрини) топинг.

*Дастлаб иккита томон узунликлари  
йиғиндисини топамиз.*

$$2 + 3 = 5$$

*Ҳосил бўлган йиғиндига учинчи томон  
узунлигини қўшамиз.*

$$5 + 4 = 9$$

*Жавоб: 9 см.*

*Иккита амални алоҳида қилиб ёзмасдан,  
қуйидагича ҳам ёзиш мумкин.*

$$2 + 3 + 4 = 9$$

*Бунда учала қўшилувчилар йиғиндиси 9 га  
тенг. У - берилган учбурчакнинг периметри.*

205. Учбурчакнинг периметрини  
топинг. Топиш учун аввал томон-  
ларини ўлчаб олинг. Нимани тушун-  
дингиз?



206.  $1 + 9$     $7 + 5$     $5 + 5$     $10 - 1$     $9 - 6$     $12 - 6$   
 $8 + 6$     $6 + 6$     $4 + 4$     $8 - 6$     $10 - 2$     $16 - 6$

207. 8 ва 6 ни айирмасини топинг. Айирмага 5 ни  
қўшинг. Йиғинди нимага тенг бўлади?

208. Шкафда 10 та чинни ва 6 та лycopча бор. Шкафда  
ҳаммаси бўлиб нечта идиш бор?

209.  $6 - 6$     $8 - 6$     $10 - 6$     $1 + 9$     $5 + 6$     $10 + 9$   
 $7 - 6$     $9 - 6$     $6 - 0$     $2 + 7$     $8 + 6$     $19 - 9$

Қайси машқларни ечишда жазвалдан фойдаланма-  
дингиз?

## 7 ни қўшиш

$$\begin{array}{ccc} 210. & 1 + 7 & 3 + 7 & 5 + 7 \\ & 2 + 7 & 4 + 7 & 6 + 7 \end{array}$$

Қайси усуллардан фойдаланиб ҳисобладингиз? 7 ни қўшишда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?

$$7 + 7 \quad 8 + 7 \quad 9 + 7$$

Жазвалдан фойдаланиб ҳисобланг:




$$\begin{array}{l} 7 + 7 = ? \\ 7 + 3 = 10 \\ 10 + 4 = ? \end{array}$$

$$0 + 7 \quad 1 + 6 \quad 2 + 5 \quad 3 + 4$$

Бунда еттини майдалаб, сонни 10 га тўлдириб олдик, 7 нинг қолган қисмини қўшдик.

$$\begin{array}{cccccc} 211. & 8 - 5 & 9 - 4 & 3 - 2 & 5 - 4 & 10 - 0 & 2 - 2 \\ & 7 - 6 & 10 - 5 & 4 - 3 & 6 - 5 & 18 - 8 & 10 - 10 \end{array}$$

212. Тўртбурчак чегарасининг узунлигини топинг. Бунинг учун  $2 + 3 + 2 + 3$  амалларни бажаринг.



213. Шакллардаги ўқшашликларни ва фарқларини айтинг:



214. Ўқувчилар мактаб устахонасида 10 та эҳтиёт қисм ясашди. Улар яна 5 та ясаши керак. Ўқувчилар ҳаммаси бўлиб нечта эҳтиёт қисм ясаши керак?

### У й г а в а з и ф а

215.  $7 + 8$     $9 + 6$     $6 + 6$     $8 - 5$     $7 + 6$     $9 - 8$   
 $2 + 7$     $8 + 5$     $9 - 6$     $7 - 6$     $0 + 7$     $11 - 5$

216. Мактаб буфетига 5 яшик печенье олиб келишди. 2 яшик печенье сотувга чиқарилди. Мактаб буфетида неча яшик печенье қолди?

■ Жадвални ёд олинг.

Йиғиндиларига эътибор беринг. Энг кичиги 7, энг каттаси - 16. Фақат 3 та йиғинди 10 дан ошмайди.

$0 + 7 = 7$
$1 + 7 = 8$
$2 + 7 = 9$
$3 + 7 = 10$
$4 + 7 = 11$
$5 + 7 = 12$
$6 + 7 = 13$
$7 + 7 = 14$
$8 + 7 = 15$
$9 + 7 = 16$



$$217. \begin{array}{cccccc} 2 + 6 & 9 + 5 & 5 + 5 & 3 - 2 & 10 - 2 & 9 - 6 \\ 8 + 4 & 7 + 7 & 6 + 6 & 8 - 6 & 7 - 1 & 4 - 3 \end{array}$$

218. Биринчи звено 7 та, иккинчи звено эса 2 таортиқ гул кўчати ўтқазди. Иккала звено биргаликда нечта гул кўчати ўтқазган?

219. Навбатчи 8 та дафтар тарқатди. У яна 6 та дафтар тарқатиши керак. Навбатчида нечта дафтар бор эди?

220. Синиқ чизиқнинг узунлигини ўлчанг. Нечта мисол ёздингиз? Мисолларни яна қандай турда ёзиш мумкин?



221. Кесмани ўлчаб, дециметр ва сантиметрларда ёзинг.



$$222. \begin{array}{cccccc} 4 - 3 & 2 + 7 & 0 + 1 & 15 - 0 & 12 - 12 & 19 - 10 \\ 1 + 10 & 9 - 8 & 6 - 5 & 8 + 1 & 16 - 6 & 10 - 9 \end{array}$$

Жавоби 1 га тенг бўлган мисолларни ёзинг. Қолганларини оғзаки ечинг.

## У й г а      в а з и ф а

223. 7 ни қўшиш жадвалини ёд олинг.

224.  $8 + 7$      $9 + 6$      $7 + 5$      $8 + 6$      $9 + 5$

■ Йиғиндилар қандай йўллар билан топилди?

$$8 + 7 = ? \qquad 9 + 5$$

$$8 + 2 = 10 \qquad 8 + 6$$

$$10 + 5 = 15 \qquad \text{Мисолларнинг қолганини}$$

$$8 + 7 = 15 \qquad \text{худди шундай қилиб ёзинг.}$$

## 8 ни қўшиш

225.  $1 + 8$      $3 + 8$      $5 + 8$      $7 + 8$

$$2 + 8 \qquad 4 + 8 \qquad 6 + 8 \qquad 8 + 8$$

$$2 + 6 \qquad 3 + 5 \qquad 4 + 4 \qquad 1 + 7$$

Қайси қоидага асосан ечдингиз?

226.  $8 + 8$      $9 + 8$

10 га тўлдириб ечишдан фойдаланамиз

$$8 + 2 = 10 \qquad 9 + 1 = 10$$

$$10 + 6 = 16 \qquad 10 + 7 = 17$$

227. 8 бўлак нон ейилгандан кейин, столда яна ўшанча нон қолди. Столда неча бўлак нон бор эди?

228. Юқориги токчада 3 та китоб бор эди. Қуйи токчадаги китоблар эса ундан 4 та ортиқ. Қуйи токчадаги китоблар неча? Қандай савол қўйилса масала икки йўл билан ечилади?


229.	$0 + 7$	$6 + 8$	$9 - 2$	$16 - 10$
	$7 + 7$	$8 + 5$	$10 - 3$	$15 - 5$

## У й г а в а з и ф а

230. Толиб сумкасига 5 та китоб солди ва қайтиб бир нечтасини олиб қўйди. Шунда сумкада 3 та китоб қолди. Толиб нечта китобни олиб қўйган?

231. 2 бўғиндан иборат синиқ чизиқ, ёпиқ синиқ чизиқ бўла оладими?

Жадвални ёдда сақланг, натижаларига эътибор беринг. Энг каттаси 17, энг кичиги 9. Фақат 2 та натижа 10 дан ошмайди.



## 9 ни қўшиш

232.	$1 + 9$	$3 + 9$	$5 + 9$	$7 + 9$
	$2 + 9$	$4 + 9$	$6 + 9$	$8 + 9$

Мисолларни еча оласизми? Қандай қилиб? 9 ни қўшишнинг яна қандай йўллари қолди?


$$9 + 9$$

Йиғинди 18 га тенг. Нима учун?

233. Биринчи синф 9 бойлам қоғоз чиқиндиларини (макулатура) тўплади. Иккинчи синф ундан 3 бойлам кам қоғоз чиқиндиси тўплади. Иккинчи синф неча бойлам қоғоз чиқиндиси тўлаган? Қандай савол қўйилса масала икки йўл билан ечилади?

$$234. \begin{array}{cccccc} 7 + 2 & 9 + 9 & 2 + 9 & 8 - 2 & 9 - 7 & 4 - 3 \\ 6 + 6 & 8 + 6 & 4 + 6 & 15 - 5 & 7 - 5 & 5 - 5 \end{array}$$

235. Тўртбурчакларнинг ўрнини қатор ва каттакчалар бўйича аниқланг.






## Уйга вазифа

236. Йиғиндиси 10дан катта бўлган 4 та мисол ўйлаб ёзинг.

237. Эрталаб уйдан мактабгача 8 минутда етдим. Тушдан кейин мактабдан уйга 6 минутда етдим. Нима учун бир хил йўлга икки хил вақт сарфладим? Тушдан кейин неча минут кам вақт сарфладим? Жавоб беришда доирачалардан фойдаланинг.

9 ни қўшиш жадвалини ёдда тутинг. Натижаларига эътибор беринг.



## 7, 8, 9 СОНЛАРИНИ АЙИРИШ

Қуйидагилар 7, 8, 9 ни айириш жадваллари.



$7 - 7 = 0$

$8 - 7 = 1$

$8 - 8 = 0$

$9 - 8 = 1$

$9 - 9 = 0$

$9 - 7 = 2$

Нима учун жадвал қисқа кўринишга эга бўлиб қолди?

238. Жазвалдан фойдаланиб, ёки бўлакларга ажратиб айиринг:

$10 - 8$

$10 - 9$

$10 - 7$

239.

$15 - 7$

$16 - 9$

$14 - 8$



Айирмаларни топишни тушунтиринг. Айирилувчи қандай бўлакларга ажратилди?

240. Юқоридаги усуллардан фойдаланиб, амалларни бажаринг.

$16 - 7$

$15 - 8$

$17 - 9$

$18 - 9$

$16 - 8$

241. Учбурчакнинг икки томони 4 см дан, учинчи томони 5 см. Учбурчакнинг периметрини топинг.

242. Учаламиз баскетбол тўпини сеткага ташлаб икки мартадан туширдик. Ҳаммаси бўлиб тўп сеткага неча марта туширилган? Қайси амалдан фойдаланиш мумкин?



243.  $\boxed{>} \boxed{<} \boxed{=}$

$4 - 3 \square 5 - 4$

$8 - 8 \square 9 - 9$

$7 - 0 > \square$

$\square < 10 + 9$

### У й г а      в а з и ф а

244.  $8 - 7$

$6 - 5$

$5 + 6$

$9 + 5$

$9 + 8$

$2 - 1$

$4 + 7$

$6 + 6$

245. Бўғинлари 1 см, 3 см, 2 см дан бўлган синиқ чизиқ ■ узунлигини топинг.

246. Бир хонали бешта бир хил қўшилувчиларнинг йиғиндисини топинг. Нечта қўшилувчи ёздингиз?

247. Китоб жавонида 15 та китоб бор эди. Китоблардан учтасини мен, икkitасини укам олди. Китоб жавонида нечта китоб қолди?

248. Учта токчада 2 банкадан мураббо бор.

Мураббололар ҳаммаси бўлиб неча банка? Қайси амалдан фойдаландингиз?

249. Тўртбурчакнинг томонлари 1 см дан бўлса, унинг периметри нимага тенг? Нечта қўшилувчиларнинг йиғиндисини топиш керак?

250.  $12 - 1$      $12 - 3$      $12 - 5$      $12 - 7$      $12 - 9$   
 $12 - 2$      $12 - 4$      $12 - 6$      $12 - 8$      $12 - 10$








251. Энг катта ва энг кичик бир ўринли сонларни ёзинг. Энг кичик икки ўринли сон қайси?

252. Уч ва тўртнинг йиғиндисидан 2 ни айиринг. Неча амал ёздингиз?

### У й г а      в а з и ф а

253.  $8 + 9$      $6 + 5$      $14 - 7$      $18 - 9$   
 $7 + 9$      $9 + 4$      $16 - 8$      $20 - 1$

### ҚЎШИШ БИЛАН АЙИРИШ АМАЛИНИНГ БОҒЛАНИШИ

	$3 + 2 = 5$		
	$5 - 2 = 3$		
	$5 - 3 = 2$		

*Йиғиндидан қўшилувчиларнинг бирини айирсак иккинчи қўшилувчи келиб чиқади.*

$$254. \quad 4 + 3 = 7 \quad 5 + 1 = 6 \quad 6 + 2 = 8$$

$$7 - 3 = \square \quad 6 - \square = \square \quad \dots$$

$$7 - \square = 4 \quad 6 - \square = \square \quad \dots$$

255. Гаражда 5 та автобус ва ундан 4 та ортиқ такси бор. Гаражда ҳаммаси бўлиб нечта машина бор?

256. Томонлари 4 см дан бўлган учбурчакнинг периметрини топинг.

257. Бир бўғини 3 см, иккинчиси 5 см бўлган синиқ чизиқ чизинг.

$$258. \quad 5 + 5 \quad 2 + 9 \quad 8 - 4 \quad 7 - 6 \quad 10 - 7 \quad 8 + 2$$

$$3 + 8 \quad 10 + 5 \quad 9 - 5 \quad 5 - 0 \quad 9 - 8 \quad 9 + 7$$

## У й г а      в а з и ф а

259. Троллейбусдан 9 киши тушиб қолди. Агар троллейбусда 19 киши бўлган бўлса, троллейбусда неча киши қолди?

$$260. \quad 7 + 8 \quad 10 - 5 \quad 3 + 8 \quad 6 - 5$$

$$5 + 5 \quad 8 - 4 \quad 1 + 9 \quad 8 - 1$$

■  $9 - 5 = ?$

*Айирилувчини майдалаб айирмани топинг. Айиришнинг яна бир усули бор: айириш билан қўшишнинг боғланишидан фойдаланиш. Қандай сонни 5 га қўшсак 9 келиб чиқади? 5 га 4 ни қўшсак 9 бўлади. Демак,  $9 - 5 = 4$*

261.  $4 + \square = 6$  Қандай сонга 4 ни қўшсак, 6 бўлади?  
 $6 - 4 = 2$

Шундай фикр юргизиб қуйидаги мисолларни ечинг:

$$10 - 7, \quad 8 - 6, \quad 11 - 9$$

262. Катакда 10 та товуқ ва ундан 2 та кам ўрдак бор. Катакдаги паррандалар ҳаммаси бўлиб ечта?

263. Уч бўғини 3 см дан бўлган синиқ чизиқнинг узунлигини топинг.

264. Иккита 5 нинг йиғиндисини топинг. Ундан 3 ни айиринг. Нечта амал ёзилди? Охирги амалнинг натижаси нима деб аталади?

265. 20 дан кичик бўлган икки хонали сонларни ёзинг. Энг кичиги нимага тенг?

## У й г а            в а з и ф а


266.  $7 + 8$      $10 + 5$      $8 + 2$      $7 + 7$      $5 + 5$   
 $9 - 7$      $8 + 6$      $9 + 5$      $8 + 8$      $4 + 4$

267. Учбурчакнинг ҳамма томони 5 см дан. Уч бурчакнинг периметрини топинг.

## АЙЛАНА. ДОИРА.



Шаклларнинг номларини айтинг. Кўпбурчакларга қайси шакллар киради? 2 шакл доира. Доиранинг бурчаклари йўқ.



Булар чизиқлар: 1 кесма, 2 эгри чизиқ, 3 айлана, 4 синиқ чизиқ. Айланани топинг. У доирадан фарқ қиладими?



*Айлана - доиранинг чегараси. Доиранинг (айлананинг) ўртасида жойлашган нуқта унинг марказидир. Доира, айлана чизиғи, иккаласининг маркази битта. Марказ билан айлана чизиғи орасини ўлчанг, қандай хулосага келдингиз?*

268. 8 - 4    7 - 4    10 - 5    9 - 6    6 - 5

269. Қишда мактабни иситиш учун дастлаб 5 машина, кейин 7 машина кўмир туширилди. Мактабга ҳаммаси бўлиб неча машина кўмир туширилган?

270. Узунлиги 2 см дан узун, 5 см қисқа бўлган кесма чизинг. Неча см кесма чиздингиз?

271. 9 ва 6 сонларни йиғиндисини топинг. Ундан 5 ни айиринг. Айирма нимага тенг?

## У й г а      в а з и ф а


272.  $7 + 9$      $6 + 5$      $10 + 9$      $10 - 1$      $7 - 7$      $13 - 10$   
 $8 + 8$      $9 + 6$      $0 + 4$      $8 - 6$      $9 - 8$      $20 - 10$

273. Расмдаги буюмлардан қайси бирлари айлана ва доирага ўхшаш?





## Сонларни таққослаш



Салима юқори токчага 5 та китоб пастдагига 8 та китоб қўйди. Пастдаги токчага юқоридаги токчага қараганда нечта китоб кам қўйилган?



Юқори токчадаги 5 та китоб пастдаги токчадаги 8 та китобни 5 таси билан жуфт тузди. 3 та китоб ортиб қолди. Қайси токчадаги китоблар ортиқ?


Унда масала саволига қандай жавоб бериш мумкин.

- Салима юқоридаги токчага 3 та китоб кам қўйди. Шу 3 ни ҳосил қилиш учун қандай амал бажариш керак? Ҳиланиб кўринг.

274. Тохир 6 та мисолни, Баҳодир 4 та мисолни ечди. Тохир Баҳодирдан нечта мисол кўп ечган? Юқоридагидай доирачалардан фойдаланиб ечинг. Масалаларни айириш амали билан ҳам ечиш мумкин.

$$6 - 4 = 2 \quad (\text{мисол})$$

275. Чизма бўйича 2 чи кесма неча сантиметрга узун эканлигини аниқланг.



1 чи кесма неча сантиметр қисқа?

$3 - 2 = 1$  (см) Кесманинг узун ёки қисқа эканлигини билиш учун айириш амалидан фойдаланиш мумкин.

276.       $7 + 9$      $5 + 2$      $10 - 5$      $10 - 2$   
               $6 - 5$      $8 - 7$      $9 - 7$      $9 - 9$   
               $4 + 4$      $9 + 9$      $0 + 8$      $15 - 9$

## У й г а    в а з и ф а

277. Мисолларни 3 минутда еча оласизми?

$9 + 5$      $6 + 7$      $10 + 3$      $10 + 9$      $7 + 7$   
 $7 + 8$      $8 + 8$      $9 + 9$      $8 + 9$      $6 + 9$   
 $10 - 2$      $5 - 4$      $6 - 5$      $8 - 5$      $9 - 7$   
 $8 - 6$      $7 - 3$      $9 - 7$      $7 - 7$      $10 - 6$

■  $8 > 5$  8 сони 5 дан неча бирликка катта? 5 сони 8 дан неча бирликка кичик? 8 сони 5 дан 3 бирлик катта. Буни билиш учун айириш амали бажарилади.

$$8 - 5 = 3$$

*Иккита сонни таққослаш учун, яъни 1 инчи сон 2 чисидан неча бирлик катта ёки кичик эканлигини билиш учун катта сондан кичигини айириш керак.*

278. 3 сони 5 дан неча бирлик кичик?

279. 6 сони 3, 4, 5 сонларининг ҳар биридан неча бирлик катта.

280. Бир синфда 15 та, иккинчи синфда 12 та ўқувчи бор. Қайси синфда ўқувчилар кўп? Иккала синфда бирикиб нечта ўқувчи бор?

281. Уйда бувим бор эди. Тушдан кейин мен ва укам иккаламиз келдик. Қечқурун онам билан дадам ишдан қайтишди. Бизнинг оилада неча киши бор?

282. Кесмаларни ўлчаб таққосланг.



283.  $7 - 4$      $9 + 9$      $8 + 8$      $6 - 5$      $7 - 5$   
 $8 + 5$      $10 - 7$      $9 - 8$      $7 - 7$      $4 + 4$

## У й г а      в а з и ф а

284. 9 сони 8 дан, 7 сони 6 дан, 10 сони 9 дан неча бирлик катта?

285. 2 сони 5 дан, 6 сони 9 дан неча бирлик кичик?



286. Дўконда 15 яшик лимон бор эди. Эрталаб 5 яшик, қечқурун яна 5 яшик сотилди. Дўконда неча яшик лимон қолди?

287. Онам 10 банка мураббо қайнатди. 3 банкаси ейилди. Масалага савол қўйиб ечинг.

$$288. \begin{array}{cccccc} 9 + 8 & 8 + 8 & 7 + 9 & 1 + 9 & 8 + 10 & 6 - 5 \\ 7 + 5 & 6 + 9 & 8 + 4 & 0 + 7 & 4 + 0 & 5 - 4 \end{array}$$

289. Ўнг томондаги айлананинг маркази қандай жойлашган.



290. Фигураларни атанг. Кесмаларни ўлчаб кўринг. Улар ҳақида нима айтса бўлади? Шу кесмаларни айлана ва доирачаларни радиуслари деб айтилади. Айланада нечта радиус кўриб турибсиз? Доирада - чи?

291. Раъно 5 ёшда. Акаси Раънодан 2 ёш катта. Акаси неча ёшда?



## У й г а в а з и ф а

292. Эрталабки нонуштага 5 киши ўтирди. Дастурхонга 3 та пиёла қўйилди. Нечта пиёла етмай қолди?

293.  $7 - 4$     $10 - 7$     $8 + 8$     $4 - 4$     $15 - 9$     $12 - 5$   
 $8 + 5$     $7 + 7$     $7 - 7$     $7 - 5$     $17 - 9$     $13 - 7$

294. Ўқувчилар мактаб боғига 14 туп олма, ундан 8 туп кам олмуруд ўтқазиди. Ўқувчилар ҳаммаси бўлиб неча туп мева кўчати ўтқазиди?

295. Барча бир хонали сонларни ва энг кичик икки хонали сонни ёзинг. 12 дан катта 20 дан кичик сонларни ёзинг. Улар неча хонали сонлар?

296. 17, 19, 5, 9, 10, 11, 6, 8, 7 сонларининг кичигидан бошлаб, тартиб билан ёзинг.

297. Учбурчак томонлари 5см, 4см, 3см. Учбурчакнинг периметрини топинг.

298. Олим 8 ёшда, Қобил 5 ёшда. Қайси бири неча ёшга кичик?

299. Камаювчи 10, айирилувчи 5 бўлса, айирмага 8 ни қўшинг. Йиғинди нимага тенг?

300.    $8 + 9$     $15 - 9$     $12 - 5$     $6 + 9$     $10 - 3$     $7 + 7$   
 $7 + 8$     $17 - 9$     $13 - 7$     $10 + 5$     $12 - 10$     $9 + 9$

## У й г а   в а з и ф а

301. 20 гача бўлган икки хонали сонларни ёзиб чиқинг.

302. Узунлиги 3 см ва 5 см бўлган кесма чизинг. Қайси кесма узун? Неча сантиметрга?

## Икки ўринли сонлар



1 та ўн - ўн

2 та ўн - йигирма

3 та ўн - ўттиз

4 та ўн - қирқ

5 та ўн - элик

6 та ўн - олтмиш

7 та ўн - етмиш

8 та ўн - саксон

9 та ўн - тўқсон

10 та ўн - юз

Булар ўнликлар.

303. 2 ўнлик, 1 ўнлик, 9 ўнлик, 5 ўнлик, 6 ўнлик қайси сонлар эканлигини айтинг.

304. а) Бир ўнликдан, саккиз ўнликкача бўлган ўнликларни айтинг.

б) 9 ўнликдан 3 ўнликкача бўлган ўнликларни айтинг.

305. Махмуд рангли қоғоздан 3 та қизил квадрат ва 9 та яшил квадрат қирқиб олди. Махмуд нечта квадрат қирқиб олган?

306. а) 6 ва 4, 8 ва 5, 7 ва 9, 7 ва 3 сонларининг йиғиндисини топинг.


б) 10 ва 3, 7 ва 7, 8 ва 4, 5 ва 3, 6 ва 2 сонларини айирмасини топинг.

307. Биринчи қўшилувчи 8, иккинчиси 5, уларнинг йиғиндисидан 3 ни айиринг.

## У й г а в а з и ф а

308. Ўндан тўқсонгача, етмишдан йигирмагача бўлган ўнликларни айтинг.

309. Боғланган ва боғланмаган таёқчаларни сананг, ҳаммасини биргаликда сананг. Улар нечта?



310. а) 3 ўнлик, 2 бирлик; 4 ўнлик 5 бирлик; 8 ўнлик 0 бирлик қандай сонлар? Сон билан ифодаланг.

б) Йигирма бешдан, қирқ бешгача бўлган сонларни тартиби билан айтинг.


в) Қирқдан саксонгача бўлган сонларни тартиби билан айтинг.

г) Етмишдан юзгача бўлган сонларни тартиби билан айтинг.

311. Қуйидаги сонларнинг икки хил номи билан ўқинг:

1 ўнлик, 4 ўнлик, 5 ўнлик, 2 ўнлик, 9 ўнлик,  
0 ўнлик, 8 ўнлик, 7 бирлик, 3 бирлик.

312. Айлананинг радиусини аниқланг. Қайси нуқталар айланада ётади. Қайсилари айланада ётмайди?



313.  $8 + 0$      $5 + 5$      $10 - 1$      $15 - 10$   
 $9 + 7$      $10 + 8$      $13 - 3$      $12 - 3$

## У й г а    в а з и ф а

314.  $9 + 5$      $8 - 6$      $6 + 6$   
 $10 + 0$      $9 - 7$      $9 - 5$   
 $8 + 7$      $10 - 5$      $9 + 8$

315. Ўндан тўқсонгача, етмишдан йигирмагача бўлган сонларни тартиби билан айтинг.

1 ўнлик 10	2 ўнлик 20	3 ўнлик 30	4 ўнлик 40
---------------	---------------	---------------	---------------

5 ўнлик 50	6 ўнлик 60	7 ўнлик 70	8 ўнлик 80	9 ўнлик 90
---------------	---------------	---------------	---------------	---------------



30 ўнлик 2 — 32

20 ўнлик 3 — 23



2 ўнлик	4 – 24		<i>Булар икки ўринли сонлар.</i>
3 ўнлик	0 – 30		<i>Икки ўринли сонлар бир -</i>
4 ўнлик	2 – 42		<i>ликлар ва ўнликлардан</i>
5 ўнлик	3 – 53		<i>ташқил топган.</i>

Яна бешта икки ўринли сонларни ёзинг.

|| *Икки ўринли сонларнинг бирликларини биринчи разряд, ўнликларни иккинчи разряд деб атаймиз.*

316. 12 ни 36 ни 41 ни ўнликларини ва birlikларини айтинг.

317. Қуйидаги сонларни рақамлар билан ёзинг: ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш, саксон, тўқсон, ўттиз тўрт, эллик беш, олтмиш икки.

318.  $9 + 4$     $10 - 9$     $6 + 6$     $7 + 7$     $10 + 7$   
 $8 + 6$     $10 - 7$     $8 - 7$     $3 + 9$     $9 + 0$

319. Рахима совға учун 8 та, Наргиза эса ундан 5 та кўп гул сотиб олди. Наргиза нечта гул сотиб олган?

320. 21, 23, 34, 46, 54, 68 сонларининг бир ва икки қўринли birlikлари номини айтинг.

## У й г а   в а з и ф а

321. 27 дан 45, 57 дан 82 гача бўлган сонларни ёзинг.

322. Мурод меҳнат дарсида 8 та юлдузча, Эркин унга қараганда 3 та кам юлдузча ясади. Эркин нечта юлдузча ясаган?



323. Шкаладан 52 дан олдин келган сонларни номини айтинг. 52 дан кейинги сонларни номланг. 52 сонини ўзидан олдин келган сонлар билан таққосланг. 52 сонини ўзидан кейин келувчи сонлар билан таққосланг. Шкала бўйича ўнг томонга силжиган сари сонлар ортади, чап томонга силжиганда - камаяди.

*Ҳар бир сон ўзидан олдин келувчи сонлардан катта, ўзидан кейин келувчи сонлардан кичик бўлади.*

324. Қуйидаги сонларни таққосланг, “ $>$ ,” “ $<$ ” белгиларини қўйинг, 45 ва 47, 52 ва 49, 53 ва 46, 55 ва 57.

325. Жазвал шкаласидан 16 сонини ва шу сондан кейин келувчи 2 та сонни кўрсатинг. Улар 16 дан каттами ёки кичикми?

326. Доиранинг радиусини аниқланг. Қайси нуқталар доирада ётади. Қайсилари доирада ётмайди?



327. Синфда 28 ўқувчи бор. 8 ўқувчи математика, 6 ўқувчи тасвирий санъат тўғарагига, қолганлари спорт тўғарагига қатнашади. Қанча ўқувчи спорт тўғарагига қатнашган?

328. Бўғинлари 2 см, 3 см бўлган синиқ чизиқ чизинг. Унинг узунлигини ўлчанг.

## У й г а в а з и ф а

329. Қуйидаги сонларни тартиби билан, энг кичигидан бошлаб ёзинг: 72, 35, 16, 29, 95, 42, 13, 18, 82. Бу сонларнинг ўнликларини ва бирликларини айтинг.

330. Ботир 10 та кабутар боқди. Темур эса унга қараганда 3 та кам кабутар боқди. Темурнинг кабутарлари нечта? Яна қандай савол қўйиш мумкин.

## Юз

 1 ўнлик 10	 2 ўнлик 20	 3 ўнлик 30	 4 ўнлик 40	 5 ўнлик 50
 6 ўнлик 60	 7 ўнлик 70	 8 ўнлик 80	 9 ўнлик 90	 10 ўнлик 100




10 ўнлик юз деб аталади. Юз сони 100 деб ёзилади.

331. а) 17, 25, 38, 76, 92 сонларининг бирлик ва ўнлик ўринлари рақамларини айтинг.

б) сонларни ёзинг: ўттиз беш, қирқ уч, ўн тўрт, эллик, эллик олти, саксон, саксон тўққиз.

332.  $\boxed{>}$   $\boxed{<}$   $\boxed{=}$     30  $\square$  24    16  $\square$  61    18  $\square$  0  
5  $\square$  54    94  $\square$  49    0  $\square$  41  
72  $\square$  27    60  $\square$  70    99  $\square$  100

333.



Бўш катакчаларга қайси сонларни ёзиш мумкин?

334. Мева дўконида тушгача 8 яшик, тушдан кейин унга қараганда 3 яшик кўп олма сотилди. Мева дўконида нечта яшик олма сотилган?

335. Раъно 8 та анор расмини чизди. У бир нечта анорни бўягандан кейин, яна 3 та бўялмаган анор қолди. Раъно нечта анорни бўяган?

336. Иккита бўғиндан иборат синиқ чизиқ чизинг. Қизил бўғиннинг узунлиги 6 см, кўк бўғиннинг узунлиги ундан 2 см қисқа бўлсин.

## У й г а      в а з и ф а

337. Шахноза опасига ёрдамлашиб 8 та ликопча ва ундан 3 та ортиқ чинни ювди. Шахноза нечта чинни ювган?

338. 

>	<	=
---	---	---

 18  81    53  53    43  45  
 72  65    16  61    0  13  
 22  22    40  0    24  34

339. Қуйидаги тенгсизликларни қайсилари тўғри, ■ қайсилари нотўғри? Уларнинг нотўғриларини тўғрилаб ёзинг.

72 > 17    65 < 56    47 < 57    98 > 78    27 < 29  
 35 > 35    62 = 26    100 < 90    63 < 35

340. а) 48 дан катта 54 дан кичик бўлган барча сонларни айтинг.

б) 87 дан катта 95 дан кичик бўлган барча сонларни тартиби билан ёзинг.

341. Берилган сонларни ўқинг: 5, 7, 15, 29, 51, 9, 47, 63, 72, 8, 12, 81, 18, 41, 14, 92.

Бир ўринли сонларни биринчи қаторга, икки хонали сонларни иккинчи қаторга ёзинг.

342. Сонларнинг йиғиндисини ва айирмасини топинг: 10 ва 6, 9 ва 5, 8 ва 8, 6 ва 0, 7 ва 4.


343. Томонлари 2 см дан бўлган учбурчак периметрини топинг.

344. Анварни 12 та қалами бор эди. Равшанда эса ундан 4 та кам. Иккаласида бирикиб нечта бўлади?

## ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

$34 + 23 = ?$

$34 + 23 = 57$



Сонларни қўшишда бирликларини бирликка, ўнликларини ўнликка қўшиш керак. Бунинг учун сонларни устун шаклида ёзиб, ўнликларининг остига ўнликларини, бирликларининг остига бирликларини ёзиб қўшиш қулай. Қўшишни бирликларидан бошлаймиз.

$$\begin{array}{r} + 34 \\ + 23 \\ \hline 57 \end{array}$$

$$345. \quad \begin{array}{r} + 47 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} + 54 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} + 66 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} + 34 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} + 25 \\ \hline \end{array}$$

346. Қўрадаги боқиладиган қўйлар 35 та эди. Унга яна 24 та қўй қўшилди. Қўрадаги қўйлар нечта бўлди?

347.  $\boxed{>}$   $\boxed{<}$   $\boxed{=}$   $63 \square 36$   $40 + 7 \square 47$   $3 > \square$   
 $10 < \square$   $2 \text{ дм} \square 20 \text{ см}$   
 $30 \square 13$   $40 \text{ см} \square 3 \text{ дм.}$

## У й г а в а з и ф а

348. Сонларни устун шаклида ёзиб қўшиш амалини бажаринг:

$$\begin{array}{ccc} 48 + 31 & 85 + 12 & 22 + 34 \\ 64 + 12 & 21 + 67 & 66 + 33 \end{array}$$

349. Мева дўконида тушгача 16 яшик, тушдан кейин ундан 5 яшик кам олма сотилди. Тушдан кейин неча яшик олма сотилган?

350. Сонларни устун шаклида ёзиб қўшишни бажаринг:

$$\begin{array}{cccccc} 61 + 35, & 23 + 32, & 32 + 64, & 12 + 17, & 44 + 15 \\ 42 + 56, & 44 + 44, & 73 + 25, & 21 + 32, & 75 + 14 \end{array}$$

351. Бекатда 24 та йўловчи автобусдан тушгандан кейин, автобусда яна 13 та йўловчи қолди. Автобусда аввал неча йўловчи бўлган?

352. Ошхонага 45 та лycop ва ундан 14 та ортиқ стакан олиб келинди. Ошхонага неча идиш олиб келинган?

353.  $\boxed{>}$   $\boxed{<}$   $\boxed{=}$   $24 + 12 \square 24,$   $72 + 15 \square 15,$   
 $37 \square 12 + 25,$   $100 \square 42 + 47$

354. Камаювчи 12, айирилувчи 5. Уларнинг айирмасига 4 ни қўшинг. Йиғинди нимага тенг? Нечта мисол ёздингиз?

# Уйга вазифа

■ 1 дм = 10 см

2 дм = □ см

3 дм = □ см,

6 дм = □ см

355.  $36 + 14$

$72 + 16$

$54 + 21$


$65 + 13$

$47 + 11$

$83 + 13$

■  $35 - 23 = ?$

$35 - 23 = 12$



Сонларни айиришда бирлигидан бирлигини, ўнлигидан ўнлигини айириш керак. Бунинг учун сонларни устун шаклида ёзиб, birlikлар остига бирлигини, ўнликлар остига ўнлигини ёзиш қулай. Айиришни birlikлардан бошлаш керак.

35

- 23

12

356.

$\begin{array}{r} 55 \\ - 32 \\ \hline \end{array}$

$\begin{array}{r} 96 \\ - 65 \\ \hline \end{array}$

$\begin{array}{r} 88 \\ - 35 \\ \hline \end{array}$

$\begin{array}{r} 72 \\ - 41 \\ \hline \end{array}$

$\begin{array}{r} 43 \\ + 12 \\ \hline \end{array}$

$\begin{array}{r} 56 \\ + 23 \\ \hline \end{array}$

$\begin{array}{r} 32 \\ + 37 \\ \hline \end{array}$

357. Альбом 5 сўм, китоб 6 сўм туради. Альбом китобга қараганда неча сўм қиммат? Китоб альбомдан неча сўм арзон?



358. Узунлиги 3 см бўлган кесма чизинг. Уни иккала томонини 2 см га узайтиринг. Неча сантиметрли кесма ҳосил бўлди?

## У й г а      в а з и ф а

359. Дўконда 65 та қора, 32 та кўк калава ип бўлган. Шундан 54 та калава ип сотилди. Дўконда неча калава ип қолди?

360. Сонларни устун шаклида ёзиб, амалларни бажаринг.

$$\begin{array}{r} 45 - 13 \quad 77 - 62 \quad 34 + 23 \quad 66 + 35 \\ 88 - 24 \quad 93 - 42 \quad 58 - 15 \quad 55 + 24 \end{array}$$

361. Сонларни устун шаклида ёзиб амалларни ■ бажаринг.

$$\begin{array}{r} 65 - 13 \quad 76 - 25 \quad 97 - 75 \quad 86 - 15 \\ 44 + 25 \quad 66 + 22 \quad 44 + 33 \quad 55 - 41 \end{array}$$

362. Қутида 75 та кўк, 23 та яшил шар бор. Яшил шарлар кўк шарларга қараганда неча кам? Қутидаги шарларнинг ҳаммаси неча?

363.  $\boxed{>}$   $\boxed{<}$   $\boxed{=}$   $16 - 6 \square 6$      $25 + 14 \square 39$   
 $72 - 21 \square 52$      $34 + 12 \square 34$   
 $45 - 24 \square 24$      $24 + 45 \square 45$

364. Соатимиз 12 минут орқада қолган. Агар соатнинг стрелкаси 8 соату 45 минутни кўрсатса, тўғри вақт неча бўлади?

365. 23 ва 15 сонларининг йиғиндисини топинг. Йиғиндидан 16 ни айиринг. Айирма нечага тенг бўлди? Нечта мисол ёздингиз?

366. Томонлари 2 см дан бўлган тўртбурчакнинг периметрини топинг.

## У й г а      в а з и ф а

$$367. \quad 62 - 31$$

$$37 - 24$$

$$46 + 32$$

$$\blacksquare \quad 44 - 13$$

$$23 - 16$$

$$23 + 15$$

$$\begin{array}{r} + 32 \\ + 5 \\ \hline 37 \end{array} \quad \begin{array}{r} + 32 \\ + 50 \\ \hline 72 \end{array} \quad \left\| \right.$$

*Ечилишини тушунтиринг. Агар қўшилувчилардан биттаси бир ўринли сон бўлиб қолса, уни бирликлар остига ёзамиз.*

$$368. \quad \begin{array}{r} + 72 \\ + 6 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} + 55 \\ + 30 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} + 83 \\ + 4 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} + 60 \\ + 25 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} + 43 \\ + 5 \\ \hline \end{array}$$

369. Икки бўлакдан иборат бўлган кесманинг узунлиги 6 см. Унинг бўлаклари қандай бўлиши мумкин?

370. Югуриш бўйича мусобақага 1 синфдан 21 та ўқувчи, 2 синфдан биринчи синфга қараганда 4 та ўқувчи кўп қатнашди. Мусобақага ҳаммаси бўлиб неча ўқувчи қатнашган?

371. Дастлаб гараждан 23 та машина, кейин яна 15 та машина чиқиб кетди. Гараждан неча машина чиқиб кетган?

372. Шаклларнинг номини айтинг.



373. Бўғинлари 4 см ва 1 см бўлган синиқ чизиқ чизинг ва узунлигини топинг.

$$\begin{array}{ccccc} 374. & 25 - 12 & 34 + 5 & 42 + 24 & 65 - 14 & 99 - 81 \\ & 40 - 20 & 54 + 3 & 73 + 20 & 62 + 4 & 7 + 92 \end{array}$$

## У й г а в а з и ф а

$$\begin{array}{ccccc} 375. & 24 + 14 & 43 + 5 & 71 + 16 & 67 - 5 & 76 - 16 \\ & 24 + 20 & 43 + 10 & 40 + 20 & 99 - 38 & 71 - 23 \end{array}$$

376. Тохир 12 ёшда. Акаси Тохирдан 9 ёш катта, синглиси эса 7 ёш кичик. Акаси ва синглиси неча ёшда?

$$\begin{array}{r} 48 \\ - 3 \\ \hline 45 \end{array} \quad \begin{array}{r} 48 \\ - 30 \\ \hline 18 \end{array}$$

*Мисолларнинг ечилишини тушунтиринг. Айрилувчи бир ўринли сон бўлса, уни бирликлар остига ёзамиз.*

377. Кийим тикиш фабрикасида ўғил болалар кўйлагидан 43 та тикилди. Қиз болалар кўйлаги ундан 20 та кам. Фабрикада ҳаммаси бўлиб неча кўйлак тикилган?

$$378. \quad \begin{array}{r} 34 \\ -9 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 67 \\ -5 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 86 \\ -30 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 54 \\ -20 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 86 \\ -6 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 95 \\ -20 \\ \hline \end{array}$$

379. Мактабнинг бадий ҳаваскорлик тўғараги концертига 35 та ўғил бола, 12 та қиз бола қатнашди. Концертга нечта ўқувчи қатнашган?

$$380. \quad \begin{array}{r} 85 - 3 \\ 47 - 7 \end{array} \quad \begin{array}{r} 75 - 20 \\ 19 - 9 \end{array} \quad \begin{array}{r} 47 + 0 \\ 67 + 0 \end{array} \quad \begin{array}{r} 55 + 4 \\ 45 - 13 \end{array} \quad \begin{array}{r} 15 + 1 \\ 34 - 12 \end{array}$$

381. Кесманинг узунлигини ўлчанг. Дафтарингизга шу кесмадан 3 см узун бўлган кесма чизинг. Кесманинг узунлиги неча сантиметр бўлди?



382. Амалларни бажаринг.

$$\begin{array}{r} 52 + 20 \\ 63 + 30 \end{array} \quad \begin{array}{r} 40 + 26 \\ 46 + 20 \end{array} \quad \begin{array}{r} 30 - 10 \\ 54 - 40 \end{array} \quad \begin{array}{r} 80 - 70 \\ 69 - 7 \end{array}$$

## У й г а в а з и ф а

383. Арчага 55 та қизил ва яшил рангдаги лампочкалар илинди. Лампочкаларнинг 20 таси қизил қолганлари яшил. Яшил лампочкалар нечта?

$$384. \quad \begin{array}{r} 25 + 4 \\ 52 + 5 \end{array} \quad \begin{array}{r} 46 + 30 \\ 38 - 20 \end{array} \quad \begin{array}{r} 3 + 42 \\ 5 + 51 \end{array} \quad \begin{array}{r} 35 - 4 \\ 48 - 3 \end{array} \quad \begin{array}{r} 50 + 40 \\ 61 + 30 \end{array}$$

*Машқларга эътибор беринг. Фарқлари нимада? Шундай машқларни устун шаклида*

ёзмай, оғзаки ҳам ечиш мумкин.  $25 + 4$ ; бирликларини қўшсак 9 бирлик ҳосил бўлади. 2 ўнлик билан йиғинди 29 га тенг бўлади. Демак,  $25 + 4 = 29$  Қолган машқларни ҳам шундай йўл билан тушунтиринг. *Натижаларини ёзинг.*

385.  $35 + 25$      $89 - 35$      $18 - 9$      $23 + 46$

386. Учбурчакнинг периметри 39 см, икки томони 12 ва 15 см. Учунчи томонини топинг.

387. 

>	<	=
---	---	---

 $26 \square 62$      $54 \square 57$      $94 \square 9$   
 $45 \square 40$      $85 \square 75$      $71 \square 73$   
 $30 \square 30$      $0 \square 90$      $63 \square 0$

388. Рақамларни ёзинг: биринчи разряди 5, иккинчи разряди 6; ўнликлари 8, бирликлари 9; икки разряди тенг бир хил - 3; 38 дан катта, 40 дан кичик.

389. а) Бирликлари ва ўнликлари 8 дан катта бўлган барча сонларни ёзинг.

б) Ўнлик ва бирлик рақамлари йиғиндиси 5 га тенг бўлган сонларни ёзинг.

## У й г а    в а з и ф а

390.  $27 - 15$      $40 - 20$      $40 + 30$      $36 + 23$   
 $26 + 20$      $36 - 0$      $28 + 14$      $74 - 40$

391. Биринчи қаторда 14 та ўқувчи бор. Иккинчи

қатордаги ўқувчилар биринчисидан 5 та кам.  
Иккала қатордаги ўқувчилар нечта?

392. а)  $34 + 5$      $4 + 62$      $50 + 25$      $47 + 1$

■  $52 + 7$      $46 + 30$      $73 + 20$      $1 + 55$

б)  $34 - 3$      $89 - 9$      $70 - 40$      $36 - 1$

$67 - 5$      $56 - 30$      $54 - 20$      $45 - 10$

393. Тепаликда 23 та ўғил бола, улардан 3 та ортиқ қиз болалар чанғи учмоқда. Тепаликда ҳаммаси бўлиб нечта бола чанғи учмоқда?

394. 23 ва 3 рақамларидан фойдаланиб, қўшишга масала тузинг.

395.  $\boxed{>}$   $\boxed{<}$   $\boxed{=}$      $73 \square 37 - 7$      $70 - 0 \square 70$   
 $15 \square 51 - 50$      $90 \square 90 - 1$   
 $67 \square 57 + 10$      $66 \square 0$

396. Расмдаги учбурчакнинг томонлари узунлигини аниқланг. Унинг периметрини топинг.



397.  $36 + 33$      $84 + 13$      $66 + 21$      $91 - 90$   
 $59 + 26$      $99 - 27$      $82 - 11$      $85 - 84$

398. Амалларни бажаринг.

$$64 + 4 \quad 28 + 30 \quad 70 + 23$$

$$72 - 40 \quad 68 - 5 \quad 90 - 50$$

399. Дўконга 96 кг бодринг олиб келинди. Иш охирида 30 кг бодринг қолди? Неча килограмм бодринг сотилган?

400. 31, 27, 49, 77, 63, 57, 90, 17, 95 сонларнинг ҳар бирида неча ўнлик, неча birlik бор?

401. Қуйидаги сонларнинг йиғиндиси нимага тенг?

■ Оғзаки ҳисобланг.

$$43 \text{ ва } 4 \quad 75 \text{ ва } 3 \quad 54 \text{ ва } 20$$

$$32 \text{ ва } 6 \quad 66 \text{ ва } 2 \quad 43 \text{ ва } 40$$

402. Одина 14 ёшда. Опаси ундан 3 ёш катта. Опаси неча ёшда?

$$403. \quad 36 + 14 \quad 57 - 34 \quad 47 + 22 \quad 19 + 0 \quad 30 - 50$$

$$22 + 45 \quad 78 - 36 \quad 88 - 33 \quad 80 - 50 \quad 99 - 1$$

404. Йўлнинг ўнг томонида 24 та уй, чап томонида 25 та уй бор. Йўлниинг иккала томонидаги уйлар нечта? Йўлнинг қайси томонидаги уйлар кўп? Нечтага ортиқ?

405. а) Агар 8 дан 8 ни айириб, айирмага 4 ни қўшсак натижа нимага тенг бўлади?


б) Агар 10 га 2 ни қўшиб, сўнг йиғиндига 4 ни қўшсак неча ҳосил бўлади?

в) Агар 10 дан 9 ни айириб, сўнг айирмага 9 ни қўшсак натижа нимага тенг бўлади?


## Уйга вазифа

406. Синфда 35 та ўқувчи ўқийди. Улардан 12 таси қиз болалар. Ўғил болалар нечта?

407.  $28 - 17$        $79 - 17$        $88 - 80$   
 $62 + 16$        $56 + 42$        $43 + 43$

408. 10 сонини ҳосил қилиш учун 5, 6, 4, 8, 3, 2, 7  сонларининг ҳар бирига қандай сонни қўшиш керак? Мисолларни ечинг.

409. Шаклларни икки қисмга бўлинг. Нимани ҳисобга олиб бўлдингиз?



410.  $45 + 54$      $32 + 46$      $23 + 32$      $25 + 24$      $54 - 50$   
 $73 + 26$      $80 + 17$      $6 + 92$      $18 - 17$      $69 - 9$

Мисолларни оғзаки еча оласизми? Еча олмасангиз устун шаклида ёзиб ечинг.

411. 6 ва 6, 9 ва 3, 7 ва 7, 8 ва 0, 9 ва 9 сонларининг йиғиндисини, сўнг айирмасини топинг.

412. Январь ойида заводдан 37 та машина чиқарилди.



Февраль ойида машина чиқариш 12 та кўпайди. Январь, февраль ойларида заводдан неча машина тайёрлаб чиқарилди?

413. Икки разряди тенг бир хил бўлган 5 та сон ёзинг. Ҳар бир разряд нимани тушунтиради?

414.  $15 + 34$      $27 + 20$      $36 - 16$      $95 - 83$      $99 - 98$   
 $50 + 29$      $31 + 18$      $85 - 33$      $79 - 25$      $79 + 1$

415. Қизил лентанинг узунлиги 53 см, яшил лента ундан 20 см узунроқ. Яшил лента узунлигини топинг?

## У й г а      в а з и ф а

416.  $64 - 2$      $56 + 3$      $34 + 23$      $43 + 25$      $64 - 63$   
 $64 - 20$      $56 + 30$      $67 - 7$      $87 - 34$      $77 + 2$

417. 3 ва 7, 7 ва 6, 4 ва 9, 8 ва 4, 4 ва 7, 8 ва 3 сонларнинг йиғиндисини топинг. Ҳар бир сонда нечта birlik бор?

418.             $\begin{array}{r} + 16 \\ 23 \end{array}$      $\begin{array}{r} + 44 \\ 33 \end{array}$      $\begin{array}{r} + 12 \\ 33 \end{array}$      $\begin{array}{r} + 24 \\ 4 \end{array}$



$$\begin{array}{r} + 34 \\ 12 \\ \hline 46 \end{array}$$

*Қуйидаги мисолда birlikлар йиғиндиси 10 дан кичик. Қўшиш йўлини тушунтиринг. Қуйидаги мисолда birlikлар йиғиндиси 10 дан катта. Шу каби мисолларнинг ечилиш фарқларини тушунтиринг.*

$$\begin{array}{r} + 28 \\ \underline{+ 14} \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 28 \\ \underline{+ 14} \\ 142 \end{array}$$

Бу қуйидагича: Аввалгидай қўшишни бирликлардан бошлаймиз:  $8 + 4 = 12$ . Бунда бирликларнинг йиғиндиси 10 дан 2 бирликка ортиқ бўлганлиги учун, йиғинди бирлигига шу икки сонини ёзиб, ўнликни эса, йиғиндининг ўнлигига қўшамиз. Унда қўшилувчилардаги мавжуд ўнликларга яна ўнлик қўшилади. Ҳамма ўнликлар 4 та бўлади. Бирликларни қўшишдан келиб чиққан ўнликни унутиб қолмаслик учун ўнликлар устига белги қўямиз.

$$419. \quad \begin{array}{r} + 25 \\ \underline{+ 16} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 37 \\ \underline{+ 14} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 42 \\ \underline{+ 19} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 56 \\ \underline{+ 15} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 18 \\ \underline{+ 73} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 26 \\ \underline{+ 49} \end{array}$$

$$420. \quad \begin{array}{r} + 46 \\ \underline{+ 23} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 51 \\ \underline{+ 17} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 65 \\ \underline{+ 27} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 62 \\ \underline{+ 29} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 32 \\ \underline{+ 32} \end{array} \quad \begin{array}{r} + 42 \\ \underline{+ 17} \end{array}$$

421. 13 билан 16, 25 билан 18, 32 билан 5, 50 билан 15 нинг йиғиндиларини топинг. Қуйидаги мисол аввалги мисоллардан қандай фарқланади? Йиғиндисининг бирлиги нима учун 0?

$$\begin{array}{r} + 25 \\ \underline{+ 15} \\ 40 \end{array}$$

$$422. 13 + 27, 65 + 25, 28 + 16 \quad 42 + 19, 45 + 45$$

Қўшилувчиларни устун шаклида ёзиб йиғиндиларини топинг.

423. Қоғоз чиқиндиларини (макулатура) йиғишга 2 «А» синфдан 28, 2 «Б» синфдан 29 та ўқувчи қатнашган. Қоғоз чиқиндиларини йиғиш учун нечта ўқувчилар қатнашган? Қайси синф кўпроқ қатнашган?

424. Ўқувчилар учун ўқитувчи 5 та тўғри чизиқли дафтар, ундан 15 та ортиқ катак дафтар олиб келди. Ўқитувчи ўқувчиларга нечта катак дафтар олиб келган? Масалани икки амал билан ечиладиган қилиб саволни ўзгартиринг.

$$425. \quad \begin{array}{r} 85 \\ - 23 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 37 \\ - 12 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 55 \\ - 24 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 14 \\ + 26 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 47 \\ + 20 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{r} 63 \\ + 5 \\ \hline \end{array}$$

426. Бўғинлари 2 см дан бўлган уч бўғинли синиқ чизиқ чизинг. Унинг узунлигини топинг.

## У й г а      в а з и ф а

427. Насиба лентани икки бўлакка бўлди. Биринчи бўлаги 48 см, иккинчиси эса 34 см. Лентанинг узунлигини топинг.

$$428. \quad \begin{array}{r} 79 + 12 \\ 74 + 18 \end{array} \quad \begin{array}{r} 19 + 28 \\ 17 + 19 \end{array} \quad \begin{array}{r} 32 + 16 \\ 45 + 40 \end{array} \quad \begin{array}{r} 86 - 13 \\ 95 - 90 \end{array}$$

■ Мисоллардаги фарқларга эътибор беринг. Қўшилувчилардан бири бир хонали сон. У қайси соннинг остига ёзилади?

Йиғиндининг ўнлиги қандай сонлардан иборат?

$$\begin{array}{r} + 38 \\ \underline{\quad} 4 \end{array} \quad \begin{array}{r} + 7 \\ \underline{\quad} 29 \end{array}$$

Мисоллар тўғри ёзилганми? Тўғрилаб ёзинг.

429. Қўшилувчиларни устун шаклида ёзиб ечинг.

$$\begin{array}{r} 79 + 2 \\ 84 + 8 \end{array} \quad \begin{array}{r} 9 + 29 \\ 17 + 7 \end{array} \quad \begin{array}{r} + 80 \\ - 25 \end{array} \quad \begin{array}{r} + 36 \\ - 15 \end{array} \quad \begin{array}{r} + 48 \\ - 26 \end{array}$$

430.  $85 - 80$   $99 - 9$   $87 - 35$   $50 - 40$   $42 - 41$

431. Ўқувчилар мактаб атрофини кўкаламзорлаштириш учун 26 туп терак, ундан 8 туп ортиқ қайин ўтқозишди. Ўқувчилар ҳаммаси бўлиб неча туп дарахт ўтқозишган?

432. Айириш амали билан ечиладиган масала тузинг.

433. Периметрни топиш бўйича масала тузинг.

434. 

>	<	=
---	---	---

 $10 - 4 \square 10 - 3$   $36 \square 18 + 10$   
 $38 - 8 \square 30$   $50 \square 6 + 7$

## У й г а      в а з и ф а

435.  $\begin{array}{r} + 47 \\ \underline{\quad} 25 \end{array}$   $\begin{array}{r} + 18 \\ \underline{\quad} 12 \end{array}$   $\begin{array}{r} + 59 \\ \underline{\quad} 12 \end{array}$   $\begin{array}{r} 35 \\ + 6 \end{array}$   $\begin{array}{r} 78 \\ + 2 \end{array}$   $\begin{array}{r} + 65 \\ \underline{\quad} 25 \end{array}$

436. Бадий ҳаваскорлик тўғарагига 29 та қиз бола ва 8 та ўғил бола қатнашган. Бадий ҳаваскорлик тўғарагига неча бола қатнашган?

$$437. \text{ a) } \begin{array}{cccccc} 10 - 9 & 10 - 1 & 10 - 3 & 10 - 6 & 10 - 8 \\ 10 - 2 & 10 - 0 & 10 - 5 & 10 - 7 & 10 - 4 \end{array}$$

$$\text{б) } 15 - 6 \quad 14 - 8 \quad 13 - 7 \quad 12 - 5 \quad 11 - 9$$

$$438. \quad 85 - 13 \quad 55 - 23 \quad 67 - 16 \quad 39 - 17$$

*Бирликдан бирлик айирилади.*

*Айиришнинг йўлини тушунтиринг.*

Бу мисолда 3 бирликдан 4 бирликни - айириш мумкин эмас. Шу каби мисолларни ечишнинг фарқлари бор. 3 бирлик 4 ни айиришга етмайди, ўнликлардан 1 ўнлик олиб, майдалаб бирликларга берамиз. Ёзилишини тушунтиринг. 8 нинг устидаги нуқта бир ўнликни билдиради. Шу олган ўнликни майдалаб 10 бирлик деб ёздик. Камаювчи 83 ва айрилувчи 14 бўлиб қолди ундан 4 ни айириш керак. Айиришни турлича бажариш қуйидагича бўлади:

$$13 - 4 = 9 \quad \text{ёки} \quad 13 - 3 = 10 \quad 10 - 1 = 9$$

Демак, айирманинг бирлиги 9.

*Ўнликлар биттага камайиб -7 ўнликка тенг бўлиб қолди. 7 ўнликдан 1 ўнликни ай ирсак, 6 ўнлик қолади.*

$$\begin{array}{r} 83 \\ - 69 \\ \hline 14 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 83 \\ - 14 \\ \hline 69 \end{array}$$

$$439. \quad \begin{array}{ccccccccc} 44 & 56 & 62 & 85 & 32 & 97 & 56 \\ \hline 15 & 28 & 34 & 37 & 17 & 69 & 39 \end{array}$$

440. Икки қўшилувчининг йиғиндиси 3 га тенг. Йиғиндига 10 ни қўшинг. Натижа нимага тенг?

### У й г а      в а з и ф а

441.      $\begin{array}{r} \_ 25 \\ \_ 17 \end{array}$      $\begin{array}{r} \_ 34 \\ \_ 19 \end{array}$      $\begin{array}{r} \_ 45 \\ \_ 18 \end{array}$      $\begin{array}{r} \_ 54 \\ \_ 25 \end{array}$      $\begin{array}{r} \_ 75 \\ \_ 16 \end{array}$      $\begin{array}{r} \_ 81 \\ \_ 58 \end{array}$

442. 3 см га тенг бўлган кесма чизинг. Нуқта билан икки қисмга ажратинг. Ҳар бир қисм неча см бўлади?

40	50
18	47
22	3

Мисолларнинг ечилишини тушунтиринг. Фарқлари нимада?

443.      $\begin{array}{r} \_ 70 \\ \_ 25 \end{array}$      $\begin{array}{r} \_ 60 \\ \_ 39 \end{array}$      $\begin{array}{r} \_ 80 \\ \_ 74 \end{array}$      $\begin{array}{r} \_ 65 \\ \_ 37 \end{array}$      $\begin{array}{r} \_ 32 \\ \_ 18 \end{array}$

444.  $63 + 17$      $74 + 27$      $65 + 25$      $9 + 22$      $68 + 9$

### У й г а      в а з и ф а

445. Бир синфда 25 та ўқувчи, иккинчисиди 28 та ўқувчи ўқийди. Биринчи синфда иккинчи синфга қараганда нечта ўқувчи оз? Иккала синфда биргаликда нечта ўқувчи ўқийди?

446. Онам 10 қути қора чой, 5 қути кўк чой олиб келди. Бир нечаси очилгандан кейин 7 қути чой қолди. Неча қути чой ишлатилган? Улардан қанчаси қора, қанчаси кўк чой бўлиши мумкин?

447. Айланаларнинг радиусларини ўлчанг.  
Марказларининг оралиғи неча сантиметр?



448.  $5 \text{ дм} = \square \text{ см},$   $1 \text{ дм } 9 \text{ см} = \square \text{ см},$   
 $2 \text{ дм } 5 \text{ см} = \square \text{ см},$   $5 \text{ дм } 5 \text{ см} = \square \text{ см}.$

449.  $25 + 63$   $87 - 25$   $39 + 19$   $80 - 15$   $16 + 37$

450. Уч бўғини 3 см дан бўлган синиқ чизиқ чизинг.  
Унинг узунлигини топинг.

451.  $15 - 9$   $25 - 9$   $45 - 19$   $50 - 29$   
 $86 - 78$   $64 - 25$   $80 - 7$   $70 - 24$

452.  $3 - 27$   $30 + 50$   $75 + 19$   $62 + 18$   $69 + 9$   
 $5 + 79$   $45 + 45$   $92 + 7$   $50 + 7$   $32 + 38$

453. Томонлари 2 см, 3 см, 4 см бўлган учбурчакнинг периметрини топинг.

454. Саватга Озод 5 та, Бахтиёр ҳам ўшанча, Собир эса 7 та олма солди. Саватга ҳаммаси бўлиб неча олма солинди?

## Уйга вазифа

455. Назира лycopчага 10 та гўшти, 15 та картошкали сомса солди. Эрталабки чойдан кейин 3 та сомса қолди. Нечта сомса ейилган?

456. Камаювчи 35 та, айирилувчи 20. Айирмага 15 ни қўшинг. Йиғинди нимага тенг?


$$\begin{array}{cccccc} 4 - 0 & 2 + 3 & 5 + 4 & 13 - 10 \\ 50 + 15 & 0 + 10 & 49 - 5 & 10 - 5 \end{array}$$

Мисолларни ўқинг. Натижаларини оғзаки топинг. Натижаларнинг номи нима деб аталади?



## Ифоданинг сон қиймати. Қавс. Амаллар тартиби.

*Булар ифодалар. Уларнинг натижалари фақат йиғинди ёки айирма деб аталмасдан, ифодалар деб ҳам аталади:*



457. Ифодаларни ўқинг. Қайсилари йиғинди, қайсилари айирма?

$7 + 8$	$6 + 8$	$42 + 13$	$0 + 15$
$15 - 6$	$10 - 0$	$64 - 2$	$72 + 13$

458. а) 16 ва 17 нинг, 4 ва 5 нинг, 6 ва 15 нинг йиғиндисини ёзиб ҳисобланг.

б) 20 ва 16 нинг, 18 ва 3 нинг, 8 ва 0 нинг айирмасини ёзиб ҳисобланг. Натижалар нимага тенг? Улар нима деб аталади?

$14 + 15 = 19$	}	<i>- йиғинди</i>	$25 - 10 = 15$	}	<i>- айирма</i>
$14 + 5$			$25 - 10$		
$19 = 14 + 5$			$15 = 25 - 10$		
$19$ - ифоданинг қиймати.		$15$ - ифоданинг қиймати			

Амални бажаргандан кейин келиб чиққан натижа ифоданинг қиймати деб аталади.

459. Ифодаларининг қийматини топинг. Улар нима деб аталади?


$$36 + 7, \quad 42 + 48, \quad 27 + 18, \quad 47 - 8, \quad 94 - 13.$$

460. Чанғи учишга 18 та ўқувчи, коньки учишга 26 та ўқувчи қатнашди. Чанғи ва коньки учишга ҳаммаси бўлиб нечта ўқувчи қатнашган? Қайсиниси кўп? Нечтага ортиқ?

461. Томонлари 3 см бўлган учбурчакнинг периметрини топинг.

## У й г а      в а з и ф а

462. 13 ва 35 нинг йиғиндисини, 98 ва 80 нинг айирмасини, 4 ва 16 нинг йиғиндисини, 36 ва 0 нинг айирмасини ёзинг. Ҳосил бўлган ифодаларнинг қийматини топинг.


$$5 + 2 + 3, \quad 2 + 2 + 2, \quad 4 + 4 + 4 + 4, \quad 8 - 3 + 5$$

*Буларни ҳам ифодалар дейишимиз мумкин. Ифодаларда битта ва ундан ортиқ амал қатнашиши мумкин.*

463. а) 28 ва 15, 48 ва 18, 53 ва 20 нинг йиғиндисини ёзинг. Ифодаларнинг қийматини топинг.

б) 56 ва 28 нинг, 20 ва 15 нинг айирмасини ёзиб, қийматини топинг.

в) 25 ва 15 нинг йиғиндисини топинг. Чиққан сондан 10 ни айиринг. Нечта ифода туздингиз? Охирги ифода нима деб аталади? Унинг қиймати нимага тенг?

464. Автобусда 16 та йўловчи бор эди. Биринчи бекатдан автобусга яна 4 та йўловчи чиқди, иккинчи бекатда эса 6 та йўловчи тушиб қолди. Автобусда нечта йўловчи қолди?

465. Карим 15 ёшда, укаси эса ундан 6 ёш кичик. Укаси неча ёшда?

466. 4 бўғини ҳам 1 см дан бўлган синиқ чизиқнинг узунлигини топинг.

## У й г а в а з и ф а

467.  $\boxed{>}<\boxed{=}$  30  $\boxed{<}$  40, 40  $\boxed{<}$  50,  $\boxed{>}$ 70, 80  $\boxed{<}$  90

468. 18 ва 10 нинг айирмасини топинг. Унга 15 ни қўшинг. Қандай ифода келиб чиқди? У нима деб аталади? Ифоданинг қиймати неча бўлди?

469. Ҳамма томонлари 2 см га тенг бўлган тўртбурчакнинг периметрини топинг.

■ Масала:

а) 12 ва 5 нинг йиғиндисини топинг. Йиғиндидан 10 ни айиринг. Нечта ифода ҳосил бўлди?

$$12 + 5 = 17$$

$$17 - 10 = 7$$

Юқоридаги икки ифоданинг ўрнига фақат битта ифода ёзса бўлади. Бунинг учун улардан фойдаланиш керак. 12 билан 5 нинг йиғиндисини қавсга олиб, ундан 10 ни айирамиз.

$(12 + 5) - 10$  ифодаси келиб чиқади.

Ифоданинг қийматини топиш учун аввал қавсдаги ифоданинг қийматини топиб оламиз, сўнг қавсдан ташқаридаги амални бажарамиз.

б) 8 дан 3 билан 2 нинг йиғиндисини айиринг.

$8 - (3 + 2)$  ифода «8 сонидан 3 билан 2 нинг йиғиндисини айириш» деб ўқилади.

$$38 + (47 - 12) = 73 \quad 10 - (5 + 2) = 10 - 7 = 3$$

<p>Агар оғзаки еча олмасангиз одатдаги кўринишда ёзиш мумкин.</p>	$\begin{array}{r} - 47 \\ + 38 \\ \hline 12 \\ \hline 35 \end{array}$	$\begin{array}{r} + 38 \\ + 35 \\ \hline 73 \end{array}$
---	---	--

470. Ифодаларни ёзинг ва қийматларини топинг.

а) 16 сонидан 20 билан 15 нинг айирмасини айиринг.

б) 40 билан 3 нинг йиғиндисига 19 ни қўшинг.

в) 67 билан 13 нинг йиғиндисидан 7 ни айиринг.

471. Ифодаларни ўқинг, қийматларини топинг.


$$(28 - 8) + 3 \quad 46 - (16 + 14)$$

$$(30 + 6) - 20 \quad 54 - (25 - 15)$$

472. Ательеда 25 та қизил ғалтак ип ва 50 та оқ ғалтак

ип бор эди. Ательеда ҳаммаси бўлиб нечта ип бўлган?

473. Айланаларнинг радиусларини топинг. Нимани тушундингиз?



474.  $\boxed{>}$   $\boxed{<}$   $\boxed{=}$

$$25 + 0 \square 25 - 0$$
$$0 + 8 \square 8 - 0$$
$$16 + 4 \square 4 + 16$$

475. Ифодаларни ёзинг, қийматларини аниқланг.

а) 30 ва 40 нинг йиғиндиси; 80 ва 70 нинг айирмаси;

б) 25 ва 10 нинг йиғиндисига 45 ни қўшинг, 37 ва 17 нинг айирмасига 20 ни қўшинг.

## У й г а      в а з и ф а

476.  $80 - (28 - 17)$     $(55 - 50) + 16$     $92 - (50 + 40)$   
 $(58 - 7) - 49$     $(47 + 23) - 18$     $34 + (29 + 18)$

Ифодаларни ўқинг. Қийматларини аниқланг. Ҳар доим, аввал қавс ичидаги амал бажарилишини унутманг.

■ *Қавслари бўлмаган ифодаларда амаллар бирин кетин тартиби билан бажарилади:*  
 $12 - 2 + 5 = 15.$

*Ифодани тушунтиринг.*

$$477. \quad \begin{array}{ccc} 3 + 3 + 3 & 2 + 2 + 2 + 2 & 5 + 4 - 3 \\ 10 - 2 + 4 & 8 - 2 - 2 & 20 + 10 - 5 \end{array}$$

478. Мурод боғдан 8 та нок ва 5 та беҳи узди. Улардан 6 тасини укасига берди. Муродда нечта мева қолди?

479. Онам 37 ёшда, мен 7 ёшдаман. Онам мендан неча ёш катта?

## У й г а    в а з и ф а

$$480. \quad \begin{array}{ccc} (56 + 14) - 20 & 60 - (20 + 13) & 80 + (12 + 5) \\ 26 - 6 - 10 & 70 + 20 + 15 & 45 + 10 + 20 \end{array}$$

481. Ифодаларни ёзинг ва қийматларини топинг. 40 ва 20 нинг айирмасига 30 қўшинг. 65 ва 15 нинг йиғиндисидан 40 ни айиринг. 90 дан 50 ва 10 нинг йиғиндисини айиринг.

## Кетма - кет қавсли ифода

Масала: 23 ва 17 нинг йиғиндисидан 45 ва 23 ни айирмасини айиринг. Бунда икки ифода берилган:

$23 + 17$  ва  $45 - 23$ . Биринчи ифодадан иккинчисини айириш талаб қилинади. У қуйидагича ёзилади:  $(23 + 17) - (45 - 23)$ , бунда иккита кетма-кет қавс бор. Ифоданинг қийматини топиш учун, аввал биринчи қавсдаги ифоданинг, сўнг иккинчи қавсдаги ифоданинг, ундан кейин эса иккала қавс орасидаги амалнинг натижаларини топиш керак.

$$482. \begin{array}{ll} (72 - 40) + (37 + 23) & (27 + 33) - (22 + 18) \\ (25 + 25) + (23 + 17) & 82 - (49 + 11) \end{array}$$

Ифодаларни ўқинг ва қийматларини топинг.

483. Аэродромда ЯК - 40 самолётидан 6 та, ИЛ - 62 самолётидан 10 та бор эди. Бир нечта самолёт учиб кетгандан кейин аэродромда 5 та самолёт қолди. Нечта самолёт учиб кетган?

484.  $18 + 17$  ифодасидан фойдаланиб масала тузинг.

485. Кўп бурчакларнинг номини айтинг, бурчакларини кўрсатинг. Бир - биридан фарқини айтинг.



486. Махмуд лентани 2 бўлакка бўлди. Бир бўлагининг узунлиги 15см, иккинчисиники 37 см. Лентанинг узунлигини топинг.

## У й г а      в а з и ф а

487. Ифодаларнинг қийматини топинг.

$$27 + (33 + 15) \qquad 82 + (49 - 48)$$

$$44 - (26 - 12) \qquad (46 + 45) - 80$$

488. Спорт майдончасига 45 та ўқувчи мусобақага ■ чиқишди. 15 та ўқувчи югуриш мусобақасига қатнашди. 12 та ўқувчи волейбол, қолганлари баскетбол мусобақасига қатнашди. Нечта ўқувчи баскетбол мусобақасига қатнашган?

489. Учбурчакнинг томонлари 4 см га тенг бўлса, периметрини топинг. Қандай ифода туздингиз?

$$490. (95 - 25) + (16 + 19) \qquad 16 + (18 - 15)$$

$$(83 - 46) - (59 - 28) \qquad (48 + 49) - 51$$

491. 11 см ли кесма чизинг. Неча дециметр ва сантиметр бўлди?

$$492. \quad \boxed{>} \boxed{<} \boxed{=} \quad 25 + 5 \square 30 - 5 \quad 33 - 33 \square 0$$

$$61 - 60 \square 25 - 24$$


493. а) 25 - 6 ифодасидан фойдаланиб масала тузинг;

б) 4 + 3 + 2 ифодасидан фойдаланиб масала тузинг.



## У й г а      в а з и ф а

494.  $(87 - 5) - (87 - 5)$        $(50 - 28) + 37$   
 $38 + (81 - 40)$        $(45 + 44) - 30$

495. 14 см да, 20 см да, 25 см да неча дециметр ва  сантиметр бор?

496.     $75 + 24$      $47 + 52$      $69 - 29$      $71 - 55$

497. Ифода тузинг ва қийматини топинг; 82 дан 3 ва 15 нинг айирмасини айиринг. 62 ва 9 нинг йиғиндисига 24 ни қўшинг; 15 ва 3 нинг йиғиндисига 24 ва 16 нинг йиғиндисини қўшинг.

498. Қутида 20 та қант бор. Онам Хамидага 4 та, Саидага 5 та қант берди. Қутида нечта қант қолди?


499. Кўпбурчакларнинг номини айтинг. Булар номлари билан фарқланадими, нималари билан ўхшайди? Бурчакларини аниқланг.



## У й г а      в а з и ф а

